O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 18-dekabr, chorshanba ✱ № 51 (855) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

БОЛА ҚУВОНЧИ — ОЛАМ ҚУВОНЧИ

Ҳар қандай каттаю кичик элат, миллат, халқ ўзининг эртанги кунини, келажагини ўйлаб яшайди. Бусиз тараққиётнинг ўзи бўлмайди. Келажакнинг тамал тоши эса бугун қўйилади.

⇨ 5-бет

"ВАФОДОР"

Тарновдан оқаётган ёмғир сувининг "чак-чак"ини эшитганмисиз? Гўё умр ўтаётганига ишора... Режиссёр Сайфиддин Мелиевнинг "Вафодор" номли спектакли ана шу фикратли сас билан бошланади.



⇨ 7-бет

ОСМОНДАН ТУШАДИГАН ЖИСМЛАР ХАВФИ

Миллион йиллардан буён турли-туман самовий жисмлар Ерга «ташриф буюриб», аниқроғи, хавф солиб туради. Кечалари кўкка термулиб ётганимизда юлдузларнинг узун дум ҳосил қилганча учиб, йўқолиб кетишларига кўп марталаб гувоҳ бўлганмиз...



⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✦ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.**

✦ 12-13 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

✦ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори 13 декабрь куни матбуотда эълон қилинди.**

✦ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисида»ги Қарори 14 декабрь куни матбуотда эълон қилинди.

✦ **Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонаси ташаббуси билан Ҳиндистон Матбуотчилар клубида маҳаллий журналистлар учун «2014 йил – Ўзбекистонда Соғлом бола йили» мавзуига бағишланган ахборот кечаси уюштирилди.**

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

N.Haydarov olgan surat

МАРРАНИ ЮКСАК ОЛАЁТГАН ЁШЛАР

Бизнинг мана шу қисқа-йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик-давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатидан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ислом КАРИМОВ

Жамият тараққиётини белгиловчи мезонлар кўп. Илм-фан ана шу мезонларнинг меҳвари, десак, муболаға қилмаймиз. Халқимизда «илму маърифат» деган ибора бежиз айтилмайди: «илм» «маърифат» билан, «маърифат» «илм» билан мужассам бўлсагина, жамият равон ривожланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ таълимни ривожлантиришга, таълимнинг мустаҳкам миллий моделини яратишга киришилгани унинг тараққиётимиздаги аҳамиятини ифода этади. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган бу модель эндиликда жаҳоннинг энг илғор давлатлари томонидан тан олинди.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида бу борадаги ислоҳотларнинг пировард мақсади шундай белгилаб берилган: «Истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз».

2 ⇨

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловлар юқори савияда ўтди

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқори савияда ўтказилди.

Муқобиллик, тенглик ва демократия тамойиллари асосида бўлиб ўтган сайловларда 401 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг 3 минг олти юздан ортиқ маслаҳатчиси сайланди.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига ишчи гуруҳлари томонидан 1 минг 208 нафар номзод тавсия этилди. 21 фуқаролар йиғинида сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

— Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароит ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оқсоқол сайлаш учун яратилган имконият ўз самарасини берди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Хўжабой Елмуратов. — Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ ўтказилган сайловда сайланган фуқаролар йиғини раисларининг 44 нафарини аёллар ва аксарият катта қисмини 50 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этаётгани ҳам буни исботлайди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

ОБУНА – 2014

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2014 йил учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Ибрат

Ғолиблик муборак, Улуғбек!

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдодини намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тенгдошларимизга кенг йўл очди. Ушбу дастур асосида эълон қилинаётган танловлар ўз иқтидоримизни синаб кўришда қулай имконият бўлмоқда.



Шунга ҳамоҳанг равишда, давлатимиз ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли интилувчан ёшлар юксак марраларни забт этаётир. Айниқса, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика кўрик-танлови кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

3 ⇨

Ватан сийрати

МАРРАНИ ЮКСАК ОЛАЁТГАН ЁШЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртимизда таълим-тарбияга, илм-фан ривожига устувор вазифа, деб қаралиши жаҳон айвонида мамлакат, миллат сифатидаги нуфузимизни белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Давлатимиз раҳбари шу йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билим салоҳияти кенг, маънавий етук, жисмонан соғлом авлодни камол топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб шундай деди: «Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий маҳсули ва натижасини юртдошларимиз, аввалambор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказади.

Ақл-заковат мусобақаси бўлмиш шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласизми ёки 5 яшар — эътибор беринг, 5 яшар — жажжи ўғлонимиз Исломбек Синдоровнинг Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини оласизми, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан фахрланмасдан, ғурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир моҳир спортчимиз — Руслан Нурудинов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашувларда ғолибликни қўлга киритди. Хабарингиз бор, бу паҳлавон йигит «Ўзбекистон ифтихори» деган юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илм-фан тараққиёти, таълим-тарбия ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганига ҳар куни гувоҳ бўлмоқдамиз. Таълим тизимининг барча бўғинларида сифат кўрсаткичларининг мунтазам ошиб бораётгани боис ўзбекистонлик ёшлар жаҳон миқёсидаги турли танловлар, халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларни қайд этишмоқда. 1997 йилдан ҳозирга қадар мамлакатимиз терма жамоаси таркибида нуфузли халқаро фан беллашувларида ҳаммаси бўлиб 277 нафар ўқувчи қатнашди. Улар томонидан 24 та олтин, 56 та кумуш, 187 та бронза медаль ҳамда юздан зиёд рағбатлантирувчи дипломлар қўлга киритилган.

— Биз дунёда математикани фан сифатида шакллантирган, алгоритмни кашф этган, бирдан ўнгача бўлган саноқ сонларни яратган Муҳаммад Мусо Хоразмий каби буюк алломаларнинг авлодларимиз. Юртимизда ёш олимларга яратилган имкониятлар самарасини ёш тадқиқотчи сифатида ўз фаолиятимда кўриб турибман. Математика фанидан республика олимпиадасида 1-ўринни олганман. Марказий Осиё давлатлари миқёсида математикадан масофавий тарзда ўтказилган олимпиадада кумуш медаль, Германияда ўтган 50-халқаро математика олимпиадасида бронза медалига сазовор бўлдим. Ўқишда эришган муваффақиятларим Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига муносиб кўрилди. Озгина меҳнатинг эътироф этилиб, рағбатлантириб турилса, бундан ортиқ бахт борми? Ватаннинг корига яраш, унинг ривожига хизмат қилишга биз ёшлар ҳамиша тайёрмиз, — дейди Ўзбекистон Миллий университети 1-босқич магистранти, Президент стипендиати, «Шуҳрат» медали соҳиби Аброр Пирнапасов.

Тарихга назар ташласак: ўтган аср бошларидаёқ улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур", дер экан, энг аввало, миллат ёшларини замонавий илмларни ўзлаштиришга даъват этган эди. Бу фикр бугун ҳам асло ўз қимматини йўқотган эмас.

Биз буюк аллома-аждодларимизнинг бой мероси, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса бўлиб қўшилган илм-фандаги кашфиётларини кўп гапирамиз. Албатта, бу меросни синчиклаб ўрганишимиз, у билан фахрланишимиз керак. Муҳими, бугунги ёшлар боболарнинг ўша бемисл илмий ишларини давом эттириб, уни янги поғоналарга кўтараётгани, халқимизнинг улкан илмий салоҳиятини дунёга намоён этаётганлари бизни янада ғурурлантирмоқда. Бугун юртимизда информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўқитишга алоҳида эътибор берилаётгани замирида ҳам мамлакатимизни дунёнинг энг илғор давлатлари қаторига олиб чиқишдек улуғ мақсад мужассамдир.

Шу йилнинг 24-30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтган эди. Мазкур нуфузли халқаро фан беллашувида ҳар йили дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб энг иқтидорли, билимдон ўқувчилар куч синашади. Таъкидлаш керакки, халқаро Менделеев олимпиадасига мамлакатимиз икки маротаба мезбонлик қилган. 2008 йилда ўтказилган 42-халқаро Менделеев олимпиадаси ҳам пойтахтимизда ташкил этилганди. Ўшанда юртимиз вакили илк бора олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлган. Жорий йилги 47-халқаро Менделеев олимпиадасида эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин, бешта кумуш ва саккизта бронза медалга сазовор бўлди.

Халқаро Менделеев олимпиадаси ўз дастурига киритилган топшириқлар савияси жиҳатидан дунёдаги энг мураккаб фан беллашувларидан бири ҳисобланади. Олимпиада иккита назарий ва амалий турдан иборат. У мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилса-да, олимпиадачилар бажарадиган амалий топшириқлар, лаборатория ишлари, шунингдек, назарий масалалар умумтаълим мактаблари даражасидан анча юқори. Шу боис халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиблари қаторига кириш учун ўқувчи ўз даражасидан кўра анча юқори билимни намоён этиши керак. Ўзбекистонлик ўқувчилар ҳар йили шундай нуфузли олимпиаданинг совриндорлари бўлишяпти. Улар томонидан қўлга киритилаётган медаллар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий ифодасидир.

— Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирландим, бундан жуда хурсандман. Менинг ёшимда давлат мукофотига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу боис ҳали ҳам ҳаяжондаман. Ҳаётимнинг бугунга қадар бўлган муҳим дамларини хаёлан сарҳисоб қиламан. Болалигимдан ўқиш ва спортга бирдай меҳр қўйдим. Иккала соҳада ҳам ютуқларни қўлга киритдим, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Беҳзодбек Болтаев. — Шу йил 17 давлатдан 117 нафар ўқувчи иштирок этган, Тошкентда бўлиб ўтган кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида кумуш медалга, 77 давлатдан 308 нафар ўқувчи иштирок этган, Москвада бўлиб ўтган кимё фани бўйича 45-халқаро олимпиадада олтин медалга сазовор бўлдим. Таэквондонинг ITF йўналиши бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиониман. Бугун ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, тинимсиз меҳнат қилган, ўқиб-изланган ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қиз бундай муваффақиятга эриша олади. Бунинг учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд. Масалан, мен таҳсил олаётган академик лицей барча замонавий лаборатория ускуналари, ўқув жиҳозлари, спорт инвентарлари билан мукаммал таъминланган. Бу даргоҳда бизларга талабчан, тажрибали мутахассис ўқитувчилар таълим беришади. Яратилган мана шу имкониятлар ва шарт-шароитлар менинг фан ва спортда юқори натижаларни қўлга киритишимда муҳим омил бўлди. Келажакда кимё фани ютуқларини тиббиётга татбиқ этиб, ўзим ҳам бу соҳада кашфиётлар қилишни дилимга тукканман. Ўз мақсадимга эришишимга астойдил ишонаман.

Ўтаётган йилда бир гуруҳ иқтидорли ёшларимиз яна бир нуфузли фан беллашувидан ғалаба билан қайтишди. Шу йилнинг 15-24 июль кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган кимё фанидан 45-халқаро олимпиадада юртимиздан тўрт нафар ўқувчи қатнашиб, битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритди. Халқаро олимпиада совриндорларидан бири — андижонлик Билолиддин Шаробиддиновдир. Шаҳрихон тумани Қушқўноқ қишлоғидаги 42-мактабда, кейинчалик шу тумандаги 53-ихтисослашган мактаб-интернатда таҳсил олган бу йигит илмий иқтидорини Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейда тажрибали устозлар кўмагида сайқаллаб борди.

— Шу йил пойтахтимизда бўлиб ўтган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида олтин, Москвада ўтказилган 45-халқаро олимпиадада бронза медални қўлга киритдим, — дейди Билолиддин Шаробиддинов. — Халқаро олимпиада шартларига мувофиқ, бизнинг билимимиз нафақат кимё фанидан, балки хорижий тил бўйича ҳам бўлиши керак эди. Ҳар иккала олимпиадада инглиз тилини билишим қўл келди. Биз, ёшларнинг илм олишимизга шундай кенг имкониятлар ва шароитларни муҳайё этган Президентимиздан миннатдорман. Насиб бўлса, бу юксак ишончни оқлаб, келгусида кимё бўйича олган билимларимни тиббиётга татбиқ этмоқчиман.

Кимё фанидан ўтказиладиган олимпиада масалаларини ечиш мобайнида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, эркин ва ижодий фикрлаш қобилияти ошади, илмий интуицияси кучаяди. Ёш йигит-қизларимиз илмий танлов ва олимпиадаларда юқори натижаларни қўлга киритиб, ўқувчилик, талабалик пайтлариданоқ илк илмий кашфиётларга қўл урмоқдалар. Мана, ёш ихтирочилардан бири нима дейди:

— Мен мустақиллик тенгдошиман. Коллежни битириб, энг замонавий университетда таҳсил оляпман. Ёшларимизга яратилган беқиёс имкониятлардан фойдаланиб, келажагим учун мустаҳкам пойдевор ҳозирлашга ҳаракат қиляпман. Ҳозирда Тошкентдаги Турин политехника университетида таҳсил олиш билан бирга, робототехника соҳасида ўз билимларимни ошираяпман. Изланишларим меваси сифатида Марказий Осиёда ягона бўлган "Мехатроника" марказида ўзбек тилида бошқариладиган робот ясашга муваффақ бўлдим. Албатта, дунёда овоз орқали бошқариладиган роботлар кўп, лекин менинг роботим ўзбек тилини тушунадиган биринчи робот, десам янглишмайман. Айни вақтда робот имкониятларидан инсон ҳаёти учун хавфли бўлган муҳитларда фойдаланиш устида иш олиб боряпман. Мисол учун, ўзим туғилиб ўсган Бекобод шаҳридаги Металлургия комбинатининг айрим цехларида — металлни эритиш жараёнида эритмадан намуна олишда уни қўллаш мумкин. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштириб, ҳозирда немис, итальян тилларини ўрганяпман. Ўзбекистон ҳеч бир соҳада жаҳон мамлакатларидан ортда қолаётгани йўқ. Ишончим комилки, робототехника йўналишида ҳам биз яқин йилларда катта ютуқларга эришамиз, — дейди Олимжон Тўйчиев. У яқинда Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали соҳиби бўлди.

Бошқа фан олимпиадалари қатори ҳар йили математика фанидан ўтказиладиган халқаро олимпиадада ҳам ўқувчиларимиз юқори натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, 2008 йили математика бўйича халқаро фан олимпиадасида юртимиздан биринчи ўзбек қизи қатнашганди. У ўша пайтда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейда таҳсил олган Диёра Салимовадир. Диёра халқаро фан олимпиадасида икки йил кетма-кет қатнашиб, бронза ва кумуш медаллар билан тақдирланган. Бу қизимизнинг интеллектуал салоҳияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди, у Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Юртимизда илғор ёшларни, илмий тадқиқотлар олиб бораётган, ихтиролар, кашфиётлар устида ишлаётган ёш олимларни рағбатлантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятидаги иш бўлиб, анъана тусини олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан турли соҳалардан энг муносиб ёш йигит-қизлар давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Улар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдодини намоён этиб, илм-фан, ишлаб чиқариш, спорт соҳасида юқори натижаларни қўлга киритган, ўз тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлган ёшлардир. Улар орасида авиатехниклар, замонавий «Боинг» ҳаво кемасини бошқарувчилар, информатика, математика, физика, кимё соҳаларида ўқиб-изланаётган талабалар, тадқиқотчиларнинг ҳам борлиги мамлакатимиз ёшлари илм-фаннинг энг замонавий, энг мураккаб соҳаларида ҳам дадил изланишлар олиб бораётгани, бу борада сезиларли муваффақиятларни қўлга киритаётганининг яққол исботидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида миллатимиз табиатига мос, асрлар силсиласидан сайқалланиб ўтиб келган фазилат — ёш авлоднинг келажак тақдирига дахлдорлик ва масъулликни шундай ифодалади: «Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз». Бу сўзларда халқимизнинг ёруғ истиқболни билимли, етук, баркамол авлод тимсолида кўришдек эзгу мақсади мужассамдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Соғлом авлодни тарбиялаш узлуксиз жараёндир. Эшик қоқиб келаётган йилда ҳам болалар ва ўсмирларни, ёшларни соғлом, баркамол этиб вояга етказиш борасида юртимизда олиб борилаётган ишлар янги босқичга кўтарилади. Ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик изчил давом этади.

Интеллектуал жиҳатдан етук авлодни камолга етказиш бошланғич таълимдан бошланади. «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурида бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дастур ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топади, албатта. Фан олимпиадаларида қўлга киритиладиган ғалабаларнинг ҳам, улкан илмий ишланмалар, кашфиёт ва ихтироларнинг пойдевори ҳам бошланғич синфларда мустаҳкамланади.

Бугун чет элда ўтаётган бирор фан олимпиадаси ёки билимдонлар беллашувида ўзбекистонлик йигит-қизларни олтин медаль олибди, десалар, ўша ёш ватандошимиз эмас, худди ўзимиз чемпион бўлгандай кўксимизни тўлдириб нафас оламиз. Ўшанда, билмадим, неча-неча ўзбекнинг, неча-неча ватандошимизнинг бўйи қанчалар ўсади!

Илм-фан соҳасидаги ютуқлар қувончи, шубҳасиз, ғоятда ёқимлидир.

Салим АШУРОВ

Соғлом жамоа – соғлом муҳит

ТАРБИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда келажак авлодни комил инсон бўлиб вояга етишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Эндигина тетапоя қила бошлаган фарзандларимизни боғча ёшидан то мактабгача тайёрлаш, уларда таълим кўникмаларини шакллантириш каби масъулият зиммасига юкланган тарбиячиларнинг ўзи ҳам аввало, билимдон, чаққон ва ҳар жиҳатдан замон билан ҳамнафас бўлишлари талаб этилади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари Чилонзор туман кенгашининг ана шундай мақсадда шакллантирилган йиллик иш режасига мувофиқ соҳа мутахассисларининг малакасини мунтазам ошириб бориш, уларда зиммасидаги масъулиятни доимо ҳис этиб туришларини таъминловчи турли маданий-маърифий, тадбирлар, спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма бир йиллигига бағишлаб Чилонзор тумани ҳокимлиги шафелигида, туман хотин-қизлар қўмитаси иштирокида, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги мавжуд 54 та мактабгача таълим муассасалари ходимлари 6 та ҳудудий жамоага бўлиниб, спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича "Спорт саломатлик гарови" шиори остида ўзаро беллашув ўтказди.

Эътиборлиси шундаки, мусобақаларда иштирок этган ёш тарбиячилар ўзларининг дадиллиги, чаққонлиги билан тадбирга файз бағишлади.

— Бундай муваффақиятларга эришишнинг асосий сабаби, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш, ташкил этиш бўлими услубчиси Ферузахон Исломова, — жойларда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ва мусиқа йўриқчиларининг соҳа мутасаддилари олдида турган вазифалар моҳиятини чуқур англашларидадир. Натижасини эса амалда кўриб турибмиз.

Тадбир давомида, айниқса, ёш тарбиячилар томонидан намойиш этилган гимнастрада саҳналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мусобақа сўнгида ғолиблар ташаббускор ва ҳомийлар томонидан ташкил этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўлмас ҚАҲҲОРОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари туман касаба уюшмаси кенгаши раиси

Ғолиблик муборак, Улуғбек!

(Бошланиши 1-бетда.)

S.O'rmonov (UzA) olgan surat

Жорий йилда мазкур танловда матбуот, телевидение, радио, фото ва интернет журналистика йўналишларида 30 ёшгача бўлган 200 нафар журналист ўзларининг икки мингдан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида бўлиб ўтган танловнинг тантанали тақдирлаш маросимидан хушхабар эшитдик. Университетимиз талабаси Улуғбек Рўзиматов йилнинг энг фаол ёш интернет журналисти, деб топилди.

Унинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳамда ёшларни огоҳликка чорловчи мушоҳадага бой материаллари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Шунингдек, дўстимизнинг вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар, янгиланишлар ва турли мавзулардаги мақолалари "Hurriyat" газетасида, шунингдек, hurriyat.uz электрон нашрида ҳам мунтазам бериб борилиши унинг ижодий парвозига қанот бўлаётир.

— Танловда ғолиб бўлганимдан ғоятда мамнунман, — дейди у хурсандчилигини биз билан баҳам кўраркан. — Мамлакатимизда биз ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик кучимизга-куч қўшиб, янги ижодий марралар сари ундайди.

Биз тенгдошларига ўрнак бўлган дўстимизни ушбу муваффақияти билан қутлаймиз.

Алишер ИСМОИЛОВ,
НамДУ талабаси

Фермерлар ҳаётидан

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ жойларда меҳнат қиладиган деҳқоннинг ерга ва ўзи яратган маҳсулотга эгалик ҳиссини оширишга хизмат қилувчи мукаммал ҳуқуқий асослар яратилди. Шу билан бир қаторда инсон омилига катта эътибор берилаётгани қишлоқ аҳлини эртанги кунга бўлган ишончини орттиришдан ташқари уларда дахлдорлик туйғусининг тобора кучаяётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ САМАРАСИ

Фермерларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнларини кучайтириш орқали қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва сифатни юқори даражага олиб чиқиш мақсадида 2012 йил 22 октябрда Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу фармон ижроси таъминланиши республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Қолаверса, мазкур фармон асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, вилоят ва туман фермерлари кенгашлари ташкил этилди. Шунингдек, Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг қўшма қарори билан 2013 йил 26 сентябрь куни "Пахта хомашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланиб, жорий йилнинг 18 октябрь куни Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинди.

Мазкур Низомга кўра пахта хомашёсини етиштиришда камида 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарган фермер хўжаликлари **юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари** ҳисобланади. Бундай фермер хўжаликлари бир йил давомида қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиши мумкин: фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мазкур ер майдонининг ҳар гектарига экилган экин тури учун амалдаги технологик карталарга тавсия этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни республика Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчи устамаси билан) олдиндан 100 фоиз тўлагач, тегишли шохобчалар орқали харид қилиш, туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда фермер хўжалигига 10 баллгача тақдим этиш (бунда фермер хўжалиги ҳисобот даврида камида 20 гектар майдонда юқори ҳосилдорликка эришганда 2 балл, юқори ҳосилдорликка эришилган майдон ҳар 10 гектарга кўпайганда қўшимча 1 баллдан, 100 гектар ва ундан ортиқ майдонда юқори ҳосилдорликка эришганда 10 балл тақдим этилади), қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш, фермер хўжалигига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларини («Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ маҳсулоти) хоҳлаган битта моделини фермер хўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш, қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш, суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлараро ўтказиладиган танловларда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланганда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари имтиёзга эга бўладилар.

Шерзод АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи

Солиқ почтасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат беришнинг замон талабига мос келмайдиган тартибларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларини қисқартириш эвазига республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтиришни кўзда тутади.

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Шуларга асосан республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан бугунги кун талабига жавоб берадиган янги ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган.

Ўзгартишларга кўра, Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладаган янги ҳисобот шаклларида 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилган. Фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамармасига суғурта бадали, бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилган. 2013 йил 1 январдан бошлаб қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилиниб чораклик ҳисобот топшириш тизимига ўтилди.

Тасдиқланган солиқ ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz, www.hisobot.uz, ва www.otchet.uz интерактив хизматлар сайтларига жойлаштирилган. Ушбу сайтлар орқали солиқ тўловчилар мустақил равишда солиқ ҳисоботларини шакллантириб электрон кўринишда солиқ органларига жўнатишлари мумкин.

Бунинг натижасида туманимизда ҳозирги вақтда электрон рақамли имзоларга эга корхоналарнинг 92 фоизи ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим қилмоқда. Интерактив хизматлардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонининг кундан-кунга ортиб бориши қўмитанинг интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчиларга қулайлик туғдираётганини кўрсатмоқда.

Фармонда 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда топшириш кўзда тутилган. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун вақтни тежаш, қоғоз кўринишдаги ҳужжат айланишининг камайиши ҳисобига харажатларни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ахборотларни қайта ишлаш жараёни тезлашиб, солиқ мажбуриятларини бажарилиши ҳақида тезкор маълумотлар олиш имконияти яхшиланди.

Шуҳрат АРИПОВ,
Яккасарой туман ДСИ бўлим бошлиғи

Имконият

ИЖОД ЭРКИНЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Инсон ижодий фаолияти маҳсуллари жумласига фан, адабиёт, санъат асарлари, ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ дастурлари, интеграл микросхемалар топологиялари, асарларнинг ижролари ва шу кабилар киради. Улар интеллектуал мулк объектлари ҳисобланиб, ҳар бирини яратиш, фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда тегишли қонунлар қабул қилинган.

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига биноан, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Мазкур модда ўз моҳиятига кўра, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасига ҳамоҳангдир. Унда ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, ҳар бир инсоннинг ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар юзасидан маънавий-маданий манфаатлари ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган. Конституцияда белгиланган ижод эркинлиги ҳар томонлама кафолатлангандир. Ижодкор ўзи хоҳлаган мавзу бўйича асар яратиш, бу асарларни чоп этишга ҳақли. Шунингдек, қатор шахсий ва мулкий ҳуқуқларга ҳам эгадир. Бу ҳуқуқлар қатор қонунлар билан мустаҳкамланган. Ижодий асарлардан фойдаланувчилар муаллифнинг ҳуқуқларига қатъий риоя қилишлари лозим. Бировнинг ижодий асарларини ўзлаштириш, ундан берухсат фойдаланиш, нашр этганлик учун қонунларда жиноий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган.

Юртимиздаги ижодкор зиёлилар турли ижодий уюшмаларга бирлашганлар. Масалан, Фанлар академияси, Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси кабилар шулар жумласига киради.

Инсон тафаккури, ақли ва ижоди ҳар қандай юксалишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бинобарин, ўз ривожи тўғрисида қайғурадиган ҳар қандай жамият ижод эркинлигига кенг йўл очиб бериши, барча кишиларни фан, адабиёт, санъат асарларидан ҳеч қандай тўсиқсиз баҳраманд бўлишига имконият яратиб бериши лозим. Бунинг энг муҳим шаклларидан бири — ижод эркинлиги ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйишдир. Шу маънода Конституциянинг мазкур моддаси мамлакатимизда фан, адабиёт, санъат равнақини таъминлаш орқали тараққиётнинг узлуксизлигини таъминлашнинг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ўз ифодасини топган фуқароларни ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи ҳам ижод эркинлигини амалга оширишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг маъноси шуки, жамиятда ахборотлар излаш, топиш, олиш ва тарқатишни чекловчи ёпиқ, тақиқланган мавзулар мавжуд эмас. Ҳар бир ижодкор дунёнинг исталган нуқтасидан илмий ёки бошқача характердаги маълумотларни олиш ва улар асосида ўз ижодий фаолиятини амалга ошириш, ижод натижасида вужудга келган ғоялар ва асарларини мамлакатимизда ёки хорижда баён қилиш, босиб чиқариб, тарқатиш имкониятларига эга. Ахборотларнинг муҳим манбаси бўлган оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, матбуот фаолиятида цензурага йўл қўйилмайди. Кутубхоналар, архивлар барча фуқаролар учун очиқ. Бинобарин, мамлакатимизда ижодий фаолиятни амалга ошириш учун ва унинг натижаларидан кишиларни баҳраманд қилиш учун реал шарт-шароитлар мавжуд.

Фуқаролар ижод эркинлиги, фикрлаш, сўз, матбуот эркинликларини амалга ошириш, ахборотларни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда маълум тартибга қатъий риоя қилишлари лозим. Ижод эркинлигини суиистеъмол қилиб шарм-ҳаёсиз асарлар яратиш, фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлигидан конституциявий тузумга қарши мақсадларда, бошқаларни бадном қилишни кўзлаб, ахборотлар излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан бошқаларни шахсий ҳаёт сирлари ёки давлат, хизмат ёинки тижорат сирларини ошкор этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг ижод эркинлигини чеклашга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, уни суиистеъмол қилиш учун қонунларда тегишли жавобгарлик белгиланган.

Конституциядаги ижод эркинлигини кафолатловчи норма шу соҳадаги бир қатор халқаро қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигини айтиб ўтиш зарур. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Саноат мулкини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж Конвенцияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билль, Адабий ва бадиий асарлар тўғрисидаги Берн Конвенцияси, Интеллектуал мулк ҳуқуқларини савдо қилиш бўйича Битим (ТРИПС), Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияларни киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг энг асосий, табиий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Унда инсоннинг яшаш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи билан бирга ижод эркинлиги ҳам белгиланган.

Декларациянинг 27-моддасида ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги ўз ифодасини топган бўлиб, бу ҳуқуқ инсоннинг табиий, ақл-идрок билан мавжуд бўлган индивид сифатидаги фикрлаш ва ақлий фаолияти билан боғлиқдир. Айнан инсон табиатдаги мавжудотлар орасида ақл-идрокка ва фикрлаш қобилиятига эга бўлган ягона мавжудот бўлиб, у ўзининг фикрлари, ақл-идрокини сўзлаш ва ўзга усулда ифода этиш орқали бошқа шахсларга етказади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган ижод эркинлигининг кафолатлари ва у билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан бирга қатор қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа бир қатор қонун ости ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ф. РАШИДОВ,
Ҳ. ҚУЧҚАРОВ,
Тошкент юридик коллежи фуқаролик ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчилари

АРМ янгиликлари

КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда барча соҳалар қатори аҳолига ахборот етказиш, хизматлар фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жойларда ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли ахборот-ресурс маркази томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳам мана шундай тизимли тадбирларнинг натижаси, дейиш мумкин.

— Эндиликда янги технологиялар асосида туман ва шаҳар ахборот-ресурс марказларига ҳамда кутубхоналарга зарурий маълумотлар етказиш, идораларга қарашли АРМлар, умумтаълим мактаблари кутубхоналари фаолиятини назорат қилиш ва ўрганиб бориш, кўчма кутубхоналар ташкил этиш, уларга қарашли китоблар сонини мунтазам кўпайтириб бориш каби ишлар олиб борилмоқда, — дейди мазкур АРМ директори Дилдора Ҳожиева. — Бундан ташқари, вилоят АРМ жамғармасини электрон ресурслар билан бойитиш мақсадида турли хил электрон дарсликлар, мультимедиялар, электрон китоблар ва бошқа қўлланмалар сонини кўпайтираяпмиз.

Ўз навбатида АРМ томонидан амалга оширилаётган турли тадбирлар ижобий натижа бермоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, яқинда Кармана туманидаги 11-мактаб ҳузурида жойлашган ахборот-ресурс марказида кўчма семинар, ўқув машғулоти ўтказилди. Унда Кармана халқ таълими бўлими тасарруфидаги таянч мактабларининг кутубхоначилари ва барча туман, шаҳар АРМлари ходимлари иштирок этди. Машғулотда қатнашганлар кутубхоналар истиқболидаги зарурий вазифалар, китобхонлар билан ишлашдаги замонавий услублар хусусида тушунчаларини бойитишди. Бундай ташаббуслар мунтазам ташкил этилиб келинаяпти. Энг муҳими, тадбирлар нафақат ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, балки улар марказнинг доимий иштирокчисига айланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Улуғбек ҚОЗОҚОВ

Малака ўқуви

ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Педагогик кадрлар малакасини ошириш минтақавий марказида "Журналистика ва ахборот" курси бўйича юртимиз олий ўқув юртларида фаолият кўратаётган журналистика факультетлари профессор-ўқитувчиларининг бир ойлик малака ошириш ўқуви якунига етди.

Ўқиш давомида "Аудиовизуал журналистиканинг замонавий тенденциялари", "Медиатаълим", "Замонавий журналистиканинг долзарб муаммолари", "Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат", "Журналистика фанини ўқитишдаги инновациялар", "Журналистика фанининг дидактик таъминоти", "Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси", "Электрон педагогика асослари", "Олий таълим педагогикаси ва психологияси" фанларидан назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Машғулотларнинг сифатли ва мазмунли бўлиши учун республикамиздаги таниқли профессор, доцентлар, таҳририятларда узоқ йиллар ишлаб келаётган тажрибали амалиётчилар жалб қилинди. Қуйида машғулот иштирокчиларининг соҳа ривожига бағишланган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Кудрат ЭРНАЗАРОВ — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети профессори, тарих фанлари доктори.

— Аввало, университетимиз қошида журналистика соҳаси бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курси ташкил этилгани жуда маъқул иш бўлди.

Ўқиш давомида кўпроқ профессор-ўқитувчиларнинг эътиборини журналист кадрлар тайёрлаш борасидаги назарий ва амалий ишларнинг боришига қаратдик. Бор тажриба ва билимларимизни, айниқса, ёш ўқитувчиларга ўргатишга ҳаракат қилдик. Чунки ҳадемай оммавий ахборот воситаларида хизмат қилиши керак бўлган мутахассисларнинг билим савияси, малакаси, ҳарчанд уларга сабоқ берадиган ўқитувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги (1999 йил 26 февраль), "Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат дастури тўғрисида"ги (2006 йил 7 август) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"дан келиб чиққан вазифалар доирасида олиб борилди. Менимча, иштирокчилар яхшигина малакага эга бўлдилар. Бу сабоқлар яқин келажакда ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Акбар НУРМАТОВ — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани, доцент.

— Севимли соҳамизга оид мазкур ўқувнинг ташкил этилгани журналист тили билан айтганда, бир янгилик, воқеа бўлди. Чунки яқин-яқингача ҳам профессор-ўқитувчиларнинг бундай доирада йиғилиши ташкил этилмаганди. Демак масала жиддий. Ўқув дастурлари билан танишиш асносида журналистикага оид фанлар қаторида информатика ва техника, янги педагогик технологиялар, медиатаълим каби фанларнинг киритилганига гувоҳ бўлдим. Бу курс тингловчиларини янги замонавий техника, педагогик технологиялардан хабардор этиб, бу муҳим омилларни иш фаолиятида қўллашлари учун жуда ҳам қўл келади. Қолаверса, дастурларда янгича ёндашувлар кўзга ташландики, бу тингловчиларга ўз соҳалари бўйича кейинги янгиликлардан бохабар бўлишларига хизмат қилади. Ўқув машғулотларининг замонавий техника билан жиҳозланган аудиторияларда ўтказилаётгани, ҳар бир видеотасвир, слайд, қўшимча воситалардан унумли фойдаланиш тингловчиларга жуда маъқул бўлди.

Машғулотларнинг интерфаол тарзда ўтилиши, жонли мулоқотлар, соҳа бўйича муаммоларнинг ечимини топиш борасида ўзаро фикр алмашинувлар ҳаммамиз учун ҳам фойдали эканини таъкидлашга ҳожат йўқ.

Бир ой давомида тингланган маърузалар, ўтказилган амалий машғулотлар, тренинг, турли шаклдаги тест синовлари бўлажак журналистларга сабоқ берадиган профессор-ўқитувчиларга соҳага оид кўплаб долзарб маълумотлар, янгиликлар берди.

Уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш табиийки, талабаларнинг билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти.

— Мен тингловчиларга "Замонавий журналистиканинг долзарб муаммолари" бўйича дарс ўтдим ва машғулотлар давомида, улар билан ўзаро мулоқотларда бу борада ҳали анча-мунча муаммолар борлигига амин бўлдим. Менинг назаримда малакали журналист кадрлар тайёрлашни уларни ўқишга қабул қилиш жараёнидан бошлаш керак. Яъни келажакда журналист бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшларни улар олий ўқув юртига ҳужжат топшираётганида, матбуотда босилиб чиққан мақола ёки радио орқали эфирга узатилган материалларини кўриб, ҳатто ана шу ижод намуналарини ҳужжатларига қўшиб топширишларини расман талаб этиш масаласини ҳал қилиш керак. Бу жуда зарур. Қолаверса, соҳани танлаган бўлажак талабага бу анча масъулият юклайди. Бундан ташқари, иқтидори бор ўқувчи танлаган касбининг мазмун-моҳиятини факультет бўсағасига қадам қўйишдан олдин тушуниб олади. Шундагина келажакда бу касбга эга бўлмоқни ният қилган ёшларнинг билими, савияси, тушунчасини билиб олиш осон кечади.

Яна бир жиҳат — талабаларга назарий билимлар бериш баробарида, уларнинг амалиёти билан ҳам жиддий шуғулланиш керак. Факультетимизда кейинги йилларда бу борада анча-мунча ишлар қилинди. Етакчи газеталар таҳририятлари қошида махсус маҳорат мактаблари ташкил этилди. "Журналист" ўқув газетасининг ҳар бир сони амалиёт ўтаган талабаларнинг мақолалари асосида тайёрланмоқда. Аммо талабаларнинг газеталар таҳририятлари, телевидение, радио каналлари муҳарририятлари билан доимий алоқасини янада мустаҳкамлаш керак бўлади. Шундагина эртага газетага ишга борган талаба мақола ёзишни эплайди ёки телевидениега борган ёш мутахассис талаб даражасида кўрсатув тайёрлай олади.

Малика ЖУМАМУРАТОВА — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети, филология факультети қошидаги журналистика бўлимининг доценти.

— Малака ошириш давомида тажрибали устозлардан журналистика оламидаги кейинги маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, менга журналист кадрлар тайёрлаш борасидаги қизғин баҳс-мунозаралар жуда маъқул бўлди. Ҳақиқатан ҳам журналистика соҳасига умид билан қадам қўяётган ёшларга замон талабларини ҳисобга олиб, мазмунли, сифатли дарс ўтиш талаб этилади. Ҳозирги ёшларнинг янгиликларни тез илғаб олиш, замонавий техника, технологиялардан хабардорлигидан мамнун бўлишимиз керак. Улар айтиб ўтилган замонавий техника билан яхши тиллаша олишади. Қолаверса, ҳозир электрон ўқув қўлланма, электрон дарсликлар яратилаяптики, талабалар уларни ўқиб, ўзлаштириб олишлари учун, аввало, ўқитувчининг ўзи етарли малакага эга бўлиши керак бўлади. Шу боис бугунги ривожланиш, тараққиёт олий таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчилардан ҳам кучли билим, юқори малака, замонавий техника, технологиялар билан яхши ишлай билишни талаб этаяпти. Биз устозларнинг ўзи ана шу муҳим омиллардан унумли фойдаланиб, ёшларга ҳам ўргатишимиз керак. Чунки бу бугуннинг, янги даврнинг талаби.

Тўлқин ЭШБЕКОВ — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг доценти.

— Янгиликка интилиб яшаш, ишлаш бугуннинг долзарб масаласига айланиб бўлди. Соҳамиз бўйича малака ошириш ўқув курсининг ташкил этилгани ҳам бунинг мисоли. Фикр, мулоҳаза, таклифларга бой машғулотлар қизиқарли ўтди.. Фикрдан фикр унар деганларидай, биров журналистика назарияси бўйича ўқишни янада кучайтириш керак деса, биров талабалар амалиётига кўпроқ эътибор қаратиш керак, дейди. Яна биров ўқув фанларини мукаммаллаштириш зарурлигига урғу беради. Баҳс, мунозаралар, албатта, янги фикр ва ғоялар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Булар ўз натижасини беради, деб умид қиламиз.

Эндиликда эскириб қолган маъруза, даврдан бирмунча ортда қолган, кечаги фикрлар билан талабанинг кўнглини, эътиборини тортиб бўлмайди. Менимча, аксарият профессор-ўқитувчилар бугун ана шу мезонларни ҳис қилган ҳолда, янги фикр, янги ғоялар билан қуролланган ҳолда аудиторияга киришаяпти.

Яна бир гап — таҳририятлар қошида ташкил этилган маҳорат мактабларидан унумли фойдаланишимиз керак. Бу усул анча йиллик фаолияти давомида ўзини оқлади. Масалан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат" газеталари қошидаги маҳорат мактаблари мана бир неча йиллардан буён бир қанча кадрларни тарбиялади. Ана шу мактаблардан сабоқ олган ёшларнинг аксарияти ҳозир газета-журналлар таҳририятлари, телевидение, радио муҳарририятларида фаолият кўрсатаяпти. Ҳозир "Туркистон", "Молодежь Узбекистана", "Hurriyat", "Маърифат" газеталари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси қошида ташкил этилган маҳорат мактаблари фаолиятини бундан буён ҳам изчил давом эттириш керак. Факультетларда назарий билим олган талаба маҳорат мактабидан, тажрибали журналистлардан мақола ёзиш, эшиттириш, кўрсатув тайёрлаш сирларини ўрганишса, амалга татбиқ этишса, ўйлаймизки, ёшларимиз келажакда ўз соҳасини пухта биладиган, малакали мутахассислари бўлиб етишишади.

Амрулло КАРИМОВ — Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

— Курсда ўқиш давомида касбдошларимиз билан яқин мулоқотда бўлиб, ўзаро тажриба алмашинувимиз ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Яна бир жиҳат — одатда, ўзаро мулоқот, мунозаралар асносида ҳам янги фикр, ғоялар пайдо бўлади. Ўқиш давомида ана шундай яхши, фойдали имкониятларга эга бўлдик. Менимча халқаро журналистика факультети ўқув дастурлари ҳам замонавий тарзда тузилган. Дастурларга имкон даражасида ҳар ўқув йилида ўзгартиришлар киритамиз. Ёшларимиздаги жўшқинлик, ўқишга, билим олишга интилишни рағбатлантириш керак. Ўз-ўзидан маълум, улар бугуннинг, янги даврнинг фарзандлари. Шу боис уларга билим беришда янгича ёндашув талаб этилади. Назаримда, назариёт амалиётдан орқага қолаётганга ўхшайди. Масалан, журналистиканинг жанрларида анча ўзгаришлар рўй берди. Яъни уларда қоришиқлик пайдо бўлди. Бир жанрнинг таркибида бошқа жанр кўринишларининг акс этиши оддий ҳол бўлиб қолди. Ёки телекўрсатувларнинг замонавий услубларда тайёрланаётганлиги, уларнинг ранг-баранг кўринишларга эгалиги, ўзига хос хусусиятлар акс этаётганининг ўзи бир неча мавзу бўла олади. Ана шуларни кузатиб, ўрганиб, ҳар кунимиз бир янгиликдан иборатлиги талабаларга сабоқ бериш давомида ана шу муҳим жиҳатларни унутмаслик, керак деган хулосага келдим.

Дилноза УМАРОВА — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети ўқитувчиси.

— Мен ёш ўқитувчиман. Малака ошириш курси мен учун жуда қизиқарли бўлди. Бир ой давомида турли фанлар бўйича маърузалар эшитиб, амалиёт билан шуғулландик. Айниқса, "Замонавий журналистиканинг долзарб муаммолари", "Аудиовизуал журналистиканинг замонавий тенденциялари", "Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат", "Журналистика фанини ўқитишдаги инновациялар" каби фанлар бўйича ўтилган дарслардан кўпгина янгиликлар олдик. Катта авлод вакиллари бизга сабоқ берди, йўл-йўриқ кўрсатди. Биз уларнинг изидан бораяпмиз. Менимча, биз ёшлар университетда олган билимларимизни янада такомиллаштириб, янги манбаларни қунт билан ўрганган ҳолда аудиторияга кирсак, бугунги кун талаблари асосида машғулотлар ўтказсак, талабалар ҳам бизнинг меҳнатимиздан рози бўлишади. Бунинг учун фақат изланиш, янгиликка интилиш талаб этилади.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ ёзиб олди.

Медиалагерь

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими мана, уч йилдирки, "Чимён" сиҳатгоҳида вилоят оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун анъанавий медиалагерь ҳафталигини ўтказиб келади. Бу гал мазкур сиҳатгоҳда 40 нафардан ортиқ ёш журналист учун "Интернет журналистикаси ва босма оммавий ахборот воситалари" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

МАВЗУ: ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Ахборот глобаллашуви, интернет журналистикасининг тез ривожланиши ОАВ ходимларининг касб малакасини муттасил ошириб боришини тақозо этмоқда. Айниқса, газеталарнинг электрон шаклини яратиш, таҳририятларнинг веб-сайтларини юритиш, интернет тармоқларида эълон қилинаётган мунозарали мақолаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш, қолаверса, интернетда дизайн, реклама, обуна каби ихтисослашган йўналишларни ўзлаштириш бугунги кун электрон журналистикасидаги долзарб мавзулар бўлиб қолди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган 80 дан зиёд босма оммавий ахборот воситаси журналистларининг бу борадаги малакасини ҳали етарли, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқув семинарига Ўзбекистон Миллий университети олий журналистика курси раҳбари Беруний Алимов, ЎзМУ доценти Шерзод Қудратхўжаев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети кафедра мудири Ҳуршид Дўстмуҳамедов, тажрибали амалиётчи, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ҳабиб Темировлар ҳафта давомида ёш журналистларга замонавий интернет журналистикаси назарияси ва амалиёти мавзуларида интерфаол усулда машғулотлар ўтказдилар.

— Газетамиз веб-сайтидан вилоятнинг энг сўнгги янгиликлари ўрин олади ва унга ҳозирги кунда дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан муштарийлар кириб танишмоқдалар, — дейди "Фермер ва томорқачи" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Тешабоев. — Лекин биз интернет имкониятлари чексиз экани, айниқса, унда муштарийлар қурултойини ўтказиш, рекламадан фойдаланиш, обунани ташкил этиш усул ва йўналишларини қўллаш мумкинлигини шу ўқув-семинари чоғида ўзлаштирдик. Ҳозирданоқ медиалагерь тренерлари билан бир неча лойиҳаларни муҳокама қилаяпмиз. 2014 йилдан бошлаб "Фермер ва томорқачи" газетасининг веб-сайти, ижодий ходимларнинг эса интернет журналистикаси тармоқларидаги иштироки сифат жиҳатдан, албатта, юксалади.

— Фарғона вилояти журналистлар уюшмаси кенг кўламли, савобли ишларни амалга ошираётганидан хабардор эдик. Бу каби медиалагерь ҳафталикларининг анъанавий тарзда ўтказилиши, унда ҳар йили 40-50 нафар журналистнинг ҳам малака ошириб, ҳам даволанишининг ташкил этилгани мамлакат миқёсида оммалаштиришга арзигулик тажриба деб ўйлайман, — дейди Ҳабиб Темиров. — Ўқув-семинари чоғида газеталар тақдимотларининг ўтказилиши, вилоятнинг таниқли инсонлари, санъаткорлари билан ижодий мулоқотларнинг ташкил этилиши ҳам унинг мазмунини бойитди.

Дарвоқе, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, "Чимён" санаторийсида ўтган медиалагерь харажатларининг ярми, яъни 4,6 миллион сўмини яқинда Фарғона вилоят ҳокими қарори билан ташкил этилган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзуидаги "Энг яхши маъруза матни" танлови ғолиби, "Маънавият" газетаси бош муҳаррири Маъсуд Сулаймонов ҳомий сифатида сазовор бўлган 10 миллион сўмлик мукофот пули ҳисобидан қопланди.

Маҳиёра БОЙБОБОЕВА, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Ҳудудий нашрлар фаолиятидан

"БОЛАЛАР ДУНЁСИ"НИНГ ЭЪТИРОФИ

"Болалар дунёси" газетаси саҳифаларидан болаларга хос жўшқинлик, яратувчанлик, завқ ва шавқ жой олган. Нашр ёрқин рангларга бой бўлибгина қолмай, қизиқарли эртагу ҳикоялар кони, билағонларнинг синов майдони ҳамдир.

Муболаға эмаски, 2000 йилдан буён нашр этилаётган "Болалар дунёси" газетаси кўплаб мухлислар эътиборини тортиб, уларнинг сеҳрли, қизиқарли оламига айланиб улгурди. Бунда нашрнинг фидойи муҳаррири Пўлат Ҳамдам, муҳаррир ўринбосари Мардон Эсонбоев ва Элёр Абдулвоҳидов, Хуршид Умаралиев ва Ойдина Ҳусаинова каби ходимларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги қўл келмоқда.

Газета ўз саҳифаларида ўзбек, рус ҳамда инглиз тилида материаллар чоп этадиган вилоятдаги ягона нашр саналади. У айни кунда мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари фаолиятини ёритиш билан бирга кўплаб истеъдодли ўқувчиларни ҳам кашф этмоқда. Ойига икки марта чоп этилаётган ушбу нашрнинг янги сонини ўқувчилар интизорлик билан кутади. Буни узоқ-яқиндан келаётган юзлаб хатлар тасдиқлаб турибди.

Юртбошимизнинг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар бир сонда инглиз тили сабоқлари ва инглиз тили ўқитувчиларининг фаолияти борасида мақолалар берилаётир. Ушбу ташаббус амалга оширилгач, газетхонларнинг сони янада ортди.

Нашрнинг "Бугуннинг ёшлари", "Ватан ғамхўрлиги — келажак пойдевори", "Тажрибага бой боғчаларимиз", "Орзу қанотида", "Энг яхши билим даргоҳларида", "Детский спорт", "Знаете ли вы?", "Let's learn English", "Кичкинтойлар ардоқда" рукнлари остида берилаётган таҳлилий, бадиий-ижодий мақолалар муштарийлар эътиборини тортмоқда. "Обод турмуш йили" давлат дастури доирасида амалга оширилган таълим соҳасидаги бунёдкорлигу ривожланишлар, спорт ва санъат мактабларининг очилиши, жажжи қалбларнинг қувончлари "Юрт обод — болалар шод", "Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги", "Год благополучия и процветания" рукнларида батафсил ёритиб борилмоқда.

Эришилган мана шундай самарали ишлари туфайли "Болалар дунёси" газетаси Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан эълон ғилинган кўрик-танловда иштирок этиб "Энг яхши спорт нашри" номинациясига муносиб топилди. Таҳририят муваффақияти кўпчилик ижодкорларнинг қувончига қувонч қўшди. Улар ўзларининг дил сўзларини қуйидагича изҳор этдилар:

Носиржон Деҳқонов, журналист:

— "Болалар дунёси" мундарижаси ранг-баранглиги билан эътиборни тортадиган нашр. Доимо бу газетани қўлга олар эканман, ундаги болаларга хос беғуборлик, покизаликдан кўнглим равшанлашади. У бугун мана шундай юксакликка дадил интилмоқда. Газета саҳифаларида рукнлар, имзолар шунчалик кўп ва ранг-барангки, бу уни аксар нашрларга хос бир хилликдан аллақачон халос бўлганини ҳар бир сон ва ундаги хабар-мақолалар услубию оҳанги фарқлаб туради. Газета ижодий жамоаси интернетдан фойдаланишда ҳам ўз салоҳиятини намоён этиб келмоқда. "Эътироф-2013" кўрик-танлови ғолиблари сафида "Болалар дунёси"нинг ҳам борлиги барча наманганлик ижодкорлар ва болажонлар учун қувончлидир.

Дилмурод Жумабоев, Наманган вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ОАВ, нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи:

— Тарбия болаликдан бошланади. Маънавияти кучли жамиятни шакллантириш учун ёшлар, айниқса, болаларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор лозим. "Болалар дунёси" газетасининг фаолият йўналиши айнан шу ижтимоий масалага қаратилган, десам янглишмайман. Бугунги кунда баъзи босма нашрлар адад ортидан қувиб, ОАВнинг асосий вазифаси бўлган ёшлар масаласида давлат сиёсатини кенг қўламда тарғиб этишни унутиб қўяётган бир пайтда "Болалар дунёси"нинг навқирон авлодга Ватан манфаати ва миллий ўзликни, жамиятимиз одоб-ахлоқ нормаларини сингдириш йўлидаги хизматлари таҳсинга лойиқ. Юксак мукофот — "Эътироф-2013"нинг ушбу газетага берилиши ҳам фикримизнинг исботидир.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
Наманган вилояти

Дараклар

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМЛАРНИНГ КАШФИЁТИ

Киото университети олимлари «Фукусима» АЭСи ҳалокати туфайли радиациядан ифлосланган тупроқни тозаловчи ноёб усулни топишга муваффақ бўлишди.

Тадқиқотчилар ўтказган синов натижасида ушбу усул билан АЭС ҳудудидан ажратиб олинган ер 90 фоиз радиациядан тозаланди. Бунинг учун махсус суюқлик, яъни кўзга кўринмас кўпиклар аралашмаси — нанокўпиклар ишлатилади.

Шу пайтгача Цезий радиоактив заррачаларини тупроқдан ажратиб оладиган технология мавжуд эмас, деб ҳисобланарди.

«Фукусима» атрофидаги ерни радиациядан холи этиш учун 10 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфланиши тахмин этилмоқда.

АҚШДА ИЛК МАРТА ЛАЗЕР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

АҚШ армияси тарихда илк маротаба ҳаводаги нишонларни уриб тушириш учун ерда ҳаракатланувчи катта қувватли кўчма лазер қурилмасини синовдан ўтказди. Мазкур лазер ишланмаси ҳарбийларнинг буюртмасига асосан Boeing корпорацияси томонидан барпо этилди.

Нью-Мексико штатида жорий йилнинг 18 ноябридан 10 декабрига қадар ўтказилган синовлар чоғида ўн киловатт қувватга эга ҳарбий лазер 90 дан зиёд миномёт снарядларини ҳамда бир нечта учувчисиз самолётларни ҳалокатга учратди. Келгусида ҳаракатланувчи платформага 50 ва 100 киловатт қувватли лазерлар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса уларга энг юқори тезликда ҳаракатланаётган нишонларни ҳам уриб тушириш имконини беради.

ХИТОЙ ҚУРИЛМАСИ ОЙГА ҚЎНДИ



Хитойнинг «Чанъэ-3» ҳаво кемаси ёрдамида фазога чиқарилган «Юйту» ойкезари Ернинг табиий йўлдоши юзасига муваффақиятли қўндирилди.

Қўниш Ёмғирлар денгизида жойлашган Камалак қўлтиғи кратерида амалга оширилди, деб хабар беради «Синьхуа» агентлиги. «Юйту» эндиликда уч ой мобайнида Ойда тадқиқотлар олиб боради. Қурилма қуёш батареялари, навигация камералари, рентген ва инфрақизил спектрометрлар ва бошқа ускуналар билан жиҳозланган.

«Чанъэ-3» шу йилнинг 1 декабрида Ердан учирилган эди. Бу билан Хитой давлати Ой дастурининг иккинчи босқичини ниҳоясига етказди. Учинчи босқичда, яъни 2020 йилга бориб, Хитой ерга Ой тупроғини олиб тушишни кўзда тутмоқда.

Айтиш керакки, собиқ СССР ва АҚШдан кейин Хитой ўз космик ускунасини Ой юзига қўндира олган учинчи мамлакат бўлди. Охирги марта 1976 йилда собиқ иттифоқнинг «Луна-24» космик станцияси 170 грамм Ой тупроғини ерга олиб келган эди.

ҚЎРҚУВ ҲИССИ НАСЛДАН НАСЛГА ЎТАДИ



Олимларнинг аниқлашича, болалар ота-оналаридан нафақат ташқи кўринишни, балки ҳатто қўрқув ҳиссини ҳам мерос қилиб олишар экан. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳаётда юз берган ҳар қандай кўнгилни жароҳатловчи воқеа-ҳодиса уруғдаги ДНКни кимёвий модификациялаш йўли билан генлар фаоллигини ўзгартирар экан. Бу эса алал-оқибатда мия ишига ва кейинги авлодларнинг феъли ва хулқига ўзгартиришлар киритади.

Атлантадаги Эмлори университети тиббий маркази мутахассислари Брайан Диас ва Керри Ресслернинг айтишича, маълум бир ҳиддан қўрқишга ўрганган сичқонлардаги бу қўрқув кейинги наслларга ҳам ўтади. Ушбу тажриба доирасида мутахасссислар сичқонларни маълум бир модда — гуллаётган шумурт ҳидини берувчи ацетофенон ҳидидан қўрқишга ўргатишди. Мазкур ҳид тарқатилиши билан бир вақтнинг ўзида сичқонларга электр токи билан таъсир кўрсатилди. Ва шунда тадқиқотчилар «қўрқитилган» эркак сичқонларнинг болалари ва невараларида ацетофенон ҳидига таъсирчан ген рецептори фаол ишлаётгани гувоҳи бўлишди.

Тажриба холис бўлиши учун олимлар «қўрқитилган» сичқонлар ва уларнинг авлодларини бир-бирларига яқинлашишига асло йўл қўйишмади. Ажабланарли жиҳати шуки, ота-буваларини ҳеч қачон кўрмаган сичқонбаччалар ацетофенон ҳидидан таъсирланган ҳолда, ота-боболари қўрққан нарсадан қўрқишларини намоён этишди.

ҚУЛОҚДА ЎСГАН ҚОҚИ ГУЛ

Пекинлик шифокорлар 16 ойлик чақалоқнинг қулоғида ўсаётган қоқи ўтини олиб ташлашди. Гўдак тўрт ой мобайнида қулоғидаги оғриқдан шикоят қилавергач, ота-онанинг мутахассисларга мурожаат этишдан бошқа иложи қолмади. Буни қарангки, қулоқда ўсаётган қоқи ўтнинг ғунчаси очилай деб қолган экан.

Агар ота-она бироз кечикканида қоқи ўти қулоқ тешигини бутунлай ёпиб қўйиб, қизчанинг соғлигига жиддий хавф туғдириши мумкин эди, дейишмоқда шифокорлар. Қулоқ ичидаги илиқ ва нам муҳит қоқи ўти уруғининг бемалол ўсишига имкон берган.

Албатта, бу ҳол инсон қулоғида юз берган биринчи ғайриоддий ҳодиса эмас. Масалан, англиялик қиз узоқ вақт мобайнида бошидаги тушунарсиз оғриқлардан азоб чекиб юрган. Ниҳоят қулоқ дўхтирларига мурожаат қилганида, улар қизнинг қулоғидан этхўр чувалчангларни олиб ташлашди. Митти йиртқичлар Перуга сафар чоғида қизнинг қулоғига кириб олган экан.

Интернет хабарлари асосида А.АЗИМОВ тайёрлади.

Шарҳ

БОЛА ҚУВОНЧИ — ОЛАМ ҚУВОНЧИ

Ҳар қандай каттаю кичик элат, миллат, халқ ўзининг эртанги кунини, келажагини ўйлаб яшайди. Бусиз тараққиётнинг ўзи бўлмайди. Келажакнинг тамал тоши эса бугун қўйилади. Эртанги кун бугуннинг саъй-ҳаракатларида, қайси масалага ва соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганида намоён бўлади.

Ёш авлодсиз келажак йўқ. Ушбу оддий ҳақиқатни англаб етган давлатлар ҳамиша ўсиб келаётган авлодга, болаларга ўзгача ғамхўрлик кўрсатади, уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишлари учун қайғуради.



Тўла ишонч ва фахр билан айта оламизки, юртимиз мана шундай эртанги кунини ўйлаб яшаётган мамлакатларнинг энг олдинги сафида турибди. Буни Истиқлолдан кейинги ҳаётимиз тўла-тўкис исботламоқда. Бу ҳақиқатни халқаро ҳамжамият, дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам тўла эътироф этишяпти.

Юртбошимиз томонидан келаётган 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳам ўсиб келаётган ёш авлодга нисбатан давлат миқёсидаги доимий эътиборнинг яна бир ёрқин кўриниши бўлди. Соғлом бола дегани — энг аввало, жамиятнинг барча қатламларида, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукм сурадиган хотиржамлик, эзгу фазилатлар устуворлиги дегани.

Эътибор беринг, кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, ўтган 22 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шошилинч тиббий хизматни такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мақтовга арзигулик ютуқларга эришилди. Ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, халқ соғлигини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вужудга келганини эслайлик. Айнан шу йили мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди. Ушбу орден билан ҳар йили халқимизни соғломлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи инсонлар мукофотланадилар. Очиғи, соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги йўлида ташланган бу каби қадамлар ўз вақтида нафақат она замини, суву ҳавоси, балки насли ҳам офатлар исканжасида қолган эл учун катта воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғликни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган. Мазкур дастур ижросини таъминлаш орқали соғликни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Шундай ислоҳотлар натижасида йигирма икки йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроққа камайди, одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, бу кўрсаткич эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Афсуски, дунёнинг барча мамлакатларида ҳам соғлом фарзандни вояга етказиш масаласига эътибор бу даражада эмас. Жаҳон оммавий ахборот воситалари кейинги ўн икки йил мобайнида дунёда содир этилаётган ҳарбий тўқнашувлар натижасида 2,5 миллиондан зиёд вояга етмаган бола қурбон бўлганини, 10 миллиондан зиёд мурғак эса турли даражада тан жароҳати олганини таъкидламоқдалар.

Донолар "Тинчлик — цивилизация неъмати, уруш эса унинг офатидир", дейдилар. Дарҳақиқат, глобал миқёсдаги иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган ҳозирги кунларда дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ экани тобора чуқурроқ аён бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам тинчлик, деб аталмиш неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди.

Бугун ҳам жаҳоннинг у ёки бу бурчагида қонли урушлар юз бериб турибди. Ачинарлиси, ана шундай урушларда энг кўп азият чекаётганлар инсоният келажаги бўлмиш болалар ва аёллар ҳисобланади. Одатда ҳимояга, ёрдамга ёки алоҳида ғамхўрликка муҳтож ана шу табақа вакиллари ҳаётини ташвишлардан холи этиш, улар осмонини қора булутлардан тозалаш ҳар доим ҳам муқаддас бурч бўлиб келган. БМТнинг халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар навқирон авлод турмуш фаровонлигини юксалтириш, улар ҳаётини турли-туман офатлардан асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очликни тугатиш, саводсизликка барҳам бериш, қочоқлар муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлари биринчи галда болаларга ғамхўрликни кўзда тутади, албатта. Зеро, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, жаҳон болаларининг ҳаётини издан чиқармоқда. Охирги ярим аср мобайнида халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор конвенциялар қабул қилинганига қарамай, ҳимоясиз болалар ва аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, уларни зўрлаш, қийнаш, ўлдириш, аксарият ҳолларда ёш болаларни урушга ёллашдек оғир иллатларга ҳамон дуч келмоқдамиз. Узоққа бормайлик, Сурияда 2 йилдан ортиқ вақтдан бери давом этаётган фуқаролар уруши натижасида 2 миллион киши қўшни давлатларда сарсон-саргардон юрган бўлса, 8 миллион киши ўз уй-жойини ташлаб чиқди. Уларнинг кўпчилиги, албатта, ёш болалар. Қадимий Алеппо шаҳрининг бомбардимон қилиниши туфайли ҳалок бўлган 90 нафарга яқин кишининг 30 нафарини ёш болалар ташкил этгани ҳам урушнинг тараққиёт душмани эканини тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, Африка ва Осиёнинг айрим мамлакатларида авж олган ички ҳарбий тўқнашувларни кўз олдимизга келтирсак, даставвал, гўдаклар тақдирини издан чиқараётган даҳшатли ҳолат ёдимизга тушаверади. Таъкидлаш керакки, II жаҳон уруши якунланганидан бери то шу кунгача 150 дан ортиқ маҳаллий ва этник низолар, кенг миқёсдаги можаролар юз берди. Бу жангу жадалларга 8-9 ёшли болаларнинг ҳам жалб этилаётгани кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Умумий маълумотларга қараганда, кейинги 15 йилда дунёнинг 41 мамлакатидаги қуролли тўқнашувларда 300 мингга яқин ёш бола иштирок этган. Аммо бу рўйхат унчалар тўлиқ эмас. Чунки БМТ фақат Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинган "қайноқ нуқталар"даги вазиятни ҳисобга олган, холос. Болаларни урушга жалб этаётган мамлакатлар сифатида Афғонистон, Бирма, Колумбия, Бурунди, Конго Демократик Республикаси, Либерия, Сомали, Яман, Судан, Чад сингари давлатларнинг номлари алоҳида тилга олинаяпти. Можаронинг тўхтовсиз давом этаётгани оқибатида ана шу мамлакатларнинг аксариятида урушга одатланиб қолган янги бир авлод шаклланиб улгурди. Улар учун ўқиш, таълим-тарбия олиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ёт ҳодисага айланди.

Экспертларнинг қайд этишларича, айниқса, аскар болалар хизматидан Африка давлатларида ҳам исёнчилар, ҳам ҳукумат вакиллари бирдек фойдаланишаётгани таъкидланади. Биргина Руандада юз берган маҳаллий низолар чоғида 300 мингдан ортиқ норасиданинг ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар тарқатилган эди. Ироқда эса уруш оқибатида бир миллиондан зиёд бола ота-онаси ва бошпанасидан айрилган. Сайёрамизда яна миллионлаб боланинг тўйиб овқат емаслиги, очарчилик ва турли хасталиклардан кўз юмишаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Халқаро ҳамжамият Фаластин мухториятида "болалар терроризми" ўсиб бораётгани борасида бежиз бонг урмаганди. Экспертлар ҳисоботида аскар болалардан фойдаланувчилар сифатида "Хамас", "Ислом жиҳоди", "Ал Ақсо" мужоҳидлари бригадаси, "Ҳизбуллоҳ" ва араб-исроил можаросида иштирок этаётган бошқа бир қатор гуруҳларнинг номлари тилга олинади.

Таъкидлаш керакки, бошқа турдаги зўравонликлар ҳам болалар учун ёт эмас. Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, 1 миллиарддан ортиқ одамнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани бунинг исботидир. Ҳатто айрим ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишдан кетишга мажбур бўлишаётгани, ҳар йили сайёрамиз бўйлаб 14 миллион нафар гўдакнинг турли хасталиклардан нобуд бўлаётгани эса бу борадаги вазиятнинг нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Жаҳон бўйлаб дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ўсиб бораётгани ва бундан, аввало, келажак эгалари — ёшларнинг жабр кўришаётгани ҳам жамоатчиликни жиддий ташвишга солиб қўйди. Чунки шу пайтга қадар мўл-кўл бўлиб келган бу маҳсулотлар эндиликда том маънода ўз қадрини кўрсата бошлади. Ғалла, дон нархининг кескин ўсиши аксарият экспертлар таъкидлашаётганидек, ҳақиқатан ҳам ваҳималидир. Дунё бозорида илгари кузатилмаган бундай нохуш манзара БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги (FAO) мутахассислари томонидан сўнгги ўн йиллар ичидаги энг баланд чўққи, дея эътироф этилаяпти.

Албатта, дунёнинг сиёсий қиёфасини белгилашда, жаҳоннинг тинч ёки нотинч бўлишида муҳим стратегик минтақалардан бири умумий ҳудуди 4 миллион квадрат километрга тенг, аҳолисининг сони 70 миллион нафардан ортиқ Марказий Осиё ҳам алоҳида ўрин тутади. Минтақада афғон можаросини бартараф этиш, фаровонликка эришиш, халқаро терроризм ва наркотиклар савдосига чек қўйиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш авлод таълим-тарбияси учун қулай шароит яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган, аҳолисининг 60 фоизини 25 ёшга етмаганлар ташкил этаётган Ўзбекистонда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ота-оналар фарзандларини нуфузли таълим даргоҳларида ўқитиш ўйи билан банд. Ёдингизда бўлса, бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини МДҲдаги энг яхши тизим, деб эътироф этгандилар.

Бир сўз билан айтганда, бугун биз ўтган асрнинг тўқсон биринчи йили кузидан бошланган янги, эркин ҳаётимиз тарихига назар ташлаб, шу йиллар ичида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, шу қисқа вақт ичида нақадар мураккаб, аммо улуғ, асрга татигулик шонли йўлни босиб ўтганимизга амин бўламиз. Фақат биз эмас, дунё ҳамжамияти Ўзбекистон ўзи танлаган, халқига, миллий манфаатларига хос ва мос йўлдан дадил одимлаётганига, ҳар бир йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, янада фаровон ва бахтли ҳаёт тадоригини кўраётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Абдували САЙБНАЗАРОВ

"ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист" танлови тўғрисида

ЭЪЛОН

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" да белгиланган вазифаларни амалга оширишда ОАВ иштироки ва ролини ошириш, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб қувватлаш Жамоат Фонди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси билан хамкорликда **"ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист"** танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

— "ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист" танлови ташкилий қўмитаси номига эркин хат;

— таҳририятлар учун — газета ёки журналларда 2013 йил давомида эълон қилинган, ННТ фаолияти ёритилган ижодий ишлар рўйхати;

— *журналистлар учун — газета ёки журналларда 2013 йил давомида эълон қилинган, ННТ фаолияти ёритилган ижодий ишлар рўйхати ва матни ёки нусхаси* (шу жумладан, электрон шаклда).

Мукофотлар:

биринчи ўринга:

— ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — "Ўзбекистон ННТ Миллий Форуми" рамзи туширилган биллур лаган ва оқ-қора рангда печать қилувчи принтер ҳамда ташаккурнома;

— ННТ фаолиятини ёритган туркум мақолалар муаллифига — "Ўзбекистон ННТ Миллий Форуми" рамзи туширилган биллур лаган ва фотоаппарат ҳамда ташаккурнома.

иккинчи ўринга:

— ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририятга — факс аппарати ҳамда ташаккурнома;

— ННТ фаолиятини ёритган энг яхши мақола муаллифига — диктофон ҳамда ташаккурнома.

учинчи ўринга:

— ННТ фаолиятини ёритган таҳририятга — сканер ҳамда ташаккурнома;

— ННТ фаолиятини ёритган муаллифга — диктафон ҳамда ташаккурнома.

Бундан ташқари, танлов иштирокчи ва ғолибларига бошқа ҳомийларнинг мукофотлари ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатлар ушбу эълон ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 21 декабрь соат 16^{00} гача қабул қилинади.

Танловда мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, журналистлар, ННТ вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100049, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй. (Ёки ngo.uzbekistan@gmail.com электрон почтасига).

Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғридан-тўғри топширилганда, аризалар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фондида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9^{00} дан 18^{00} гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 шрифтда расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.ngo.uz *сайти ёки +99871 233-52-41; 233-35-26; 233-46-81 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.*

Танлов ташкилий қўмитаси

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

“АМИР ТЕМУР МУҲРИ” мақоласини ўқиб...

Мустақиллик йилларида халқимиз ўтмишини, юртимизнинг кўп асрлик тарихини ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очилди. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш борасида катта ишлар қилингани дилларни хушнуд этади. Тарихий адолат тиклангандан кейин қисқа муддат ичида буюк давлат арбоби ва машҳур саркарда ҳақида салмоқли асарлар нашр қилинаётганлиги ҳамда даврий матбуотда қизиқарли мақолалар чоп этилаётгани ўзбек темуршунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Аммо баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, бу баайни қош қўяман деб кўз чиқаришдан бошқа нарса эмас. Мамлакатимизда чиқадиган даврий нашрлардан бири, “SHAVQ ILMI” ижодиёт уйи муассислигида ўн минг нусхада нашр этилаётган “Кўнгил кўчалари” газетасининг 2013 йил 14 ноябрдаги 46-сонида эълон қилинган “Амир Темур муҳри” мақоласини ўқир эканман, кўнглимдан юқоридаги иштибоҳ ўтди. Бизни таажжубга солган жиҳати шуки, фамилияси кўрсатилмаган ҳолда Ёркин муаллифлигида тайёрлаган ушбу мақолада даставвал муҳр ва унда ёзилган сўзлар (“ростирасти”, “рости-дурусти”, “расти-русти”) маъносига эътибор қаратилади. Аммо муаллиф негадир бу фикрни якунламасдан мақоланинг кейинги қисмларида Амир Темурга оид бошқа маълумотларни бетартиб равишда келтиради.

Жумладан, мақолада *“унинг (Амир Темурнинг — Ш.Ё.) сиёсий жаҳонгирлик фаолияти икки даврга бўлиниши ҳам бежиз эмас. 1370 йилдан то 1386 йилга қадар Темур ўз давлатини мустаҳкамлаш билан шуғулланди. 1386 йилдан бошлаб эса, унинг тарихда машҳур уч, беш ва етти йиллик жаҳонгирлик юришлари амалга оширилди”* — дейди муаллиф. Тўғри, Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, олиб борган жангларининг оқибатларига баҳо берилар экан, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Бироқ, шу ўринда мақола муаллифи биринчи босқични 1370-1386 йилларни ўз ичига олади, дея хатога йўл қўяди. Таниқли олим, академик Иброҳим Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги тутган ўрни ва роли” рисоласида бу босқичларга қуйидагича тартиб берилади: “Амир Темур бин Тарағай баҳодир ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи давр 1360-1386 йилларни ўз ичига олади. Темур фаолиятининг иккинчи даври асосан 1386 йилдан бошланиб, 1402 йилгача давом этади[1]”.

Муаллифнинг *“Амир Темурнинг оилавий ҳаёти ҳам чигал ва мураккаб. Ўша даврлар удумига кўра, Темур ҳам эрта уйланган. 1362 йилда амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Турконни олгунга қадар Темурнинг икки ўғли бўлган: булар 1354 йилда туғилган Умаршайх ва 1356 йилда туғилган Жаҳонгир. Жаҳонгирнинг онаси Нурмеш оға бўлган. Бу икки шаҳзода бир онадан туғилганми йўқми аниқ эмас”*, деган фикрлари ҳам ниҳоятда мавҳум ва баҳсталаб.

Зеро, булар ҳақида тарихчи Хондамир шундай маълумот беради: “Отаси амир Тарағой Амир Темурни аввал (1355) амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғога, сўнгра ўша йили (1355) Қазағоннинг набираси ва амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлантиради[2]”. Дарҳақиқат, Амир Темур 1355 йили (мақолада айтилганидек, 1362 йилда эмас!) амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйланган ва бу никоҳ туфайли Амир Темур билан Балх ҳокими амир Ҳусайн ўртасида иттифоқ юзага келиб, улар биргаликда мўғулларга қарши курашганлар.

Айнан Ўлжой Туркон оғодан 1356 йилнинг ёзида Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо дунёга келган[3]. Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо ҳам Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо туғилган йили (1354 йилда эмас!) дунёга келган. Унинг онаси Тўлин оғо (Тўмлун оғо) бўлган[4].

Бизнингча, мақола муаллифи маълумотларни синчиклаб тадқиқ қилмаган. Айнан шунинг учун ҳам у *“Ўлжой Турконни олгунга қадар Темурнинг икки ўғли бўлган; бу икки шаҳзода (Умаршайх ва Жаҳонгир — Ш.Ё.) бир онадан туғилганми йўқми аниқ эмас”*, — дея янглиш маълумотларни келтиради. Афсуски, бу ҳолат Амир Темурнинг тўрт ўғлини кетмакет санашда ҳам намоён бўлади — *Умаршайх, Жаҳонгир, Мироншоҳ ва Шоҳрух.* Аслида эса Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1356-1376), Умаршайх Мирзо (1356-1394), Мироншоҳ Мирзо (1366-1408), Шоҳрух Мирзо (1377-1447) — деб тартиб билан берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мақолада Амир Темур ҳарамидаги маликалардан Чўлпон Мулк бегим ҳақида шундай дейилади: *“Темурнинг хотинлари орасида гўзал Чўлпон Мулкнинг тақдири фожиали кечган. Жаҳонгир (Амир Темур — Ш.Ё.) бу сулув, шаддод, эркка талпинган маликани аёвсиз қатл эттиради. Эласэлас етиб келган хабарларга кўра, у соҳибқирон кўнглига шубҳа туширган, садоқат чегарасини бузган”*. Шарқшунос олим Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” китобида Чўлпон Мулк бегим тўғрисида қуйидагилардан воқиф бўламиз: “Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, гўё Чўлпон Мулк Оғо Амир Темурга вафосизлик қилгани туфайли соҳибқирон ўз қўли билан бўғиб ўлдирган эмиш. **Аммо Амир Темур тарихига оид расмий хабарларда бундай маълумот учрамайди.** Аксинча, тарихчи Шарафуддин Али Яздий 1403 йил воқеаларини шарҳлаб, Чўлпон Мулк Оғонинг номини бир неча ўринда зикр қилиб ўтади. Шунингдек, Кастилия элчиси Клавихо ҳам 1404 йилда малика Чўлпон Мулк Оғони кўрганлигини ёзган. Чўлпон Мулк Оғонинг қачон ва қаерда вафот қилгани ҳақида ҳозирча маълумот учрамади[5]”. Ушбу ўринда мақола муаллифининг Соҳибқирон ўз суюкли хотинини аёвсиз қатл эттириши тўғрисида билдирган кескин муносабати бизни чуқур ўйлантиради. Зеро, таниқли тарихчимизнинг юқоридаги маълумотларига кўра, Амир Темур шаънига қаратилган бу фикрлар мутлақо асоссиз бўлиб, ғаразли кайфиятдаги баъзи “тарихчи”ларнинг уйдирмаси эканлиги аён бўлади.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Амир Темур муҳри” мақоласи муаллифининг тарих соҳасида мутахассис эмаслиги, мавзу бўйича маълумотларни синчиклаб ўрганмаганлиги аён кўриниб турибди. Аммо масаланинг бизни хавотирга соладиган жиҳати шундаки, кўп ҳолларда хусусий нашрлар илмий жамоатчилигимиз нигоҳидан четда қолиб кетмоқда. Ушбу хусусий нашрлар катта тиражларда чоп этилиб, халқимизнинг ёш-у қариси томонидан мунтазам ўқиб борилишини назарда тутсак, тарихчиларимиз томонидан кўп ва хўп ўрганилган буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур тўғрисида чалкаш ва нотўғри маълумотлар берилиши кишини ранжитади. Халқимизнинг ўтмиши, буюк сиймоларимиз ҳақида ёзар эканмиз, улар ҳақидаги ҳар бир гапни оммага ҳавола этишдан аввал етти ўлчаб бир кесмоғимиз, энг муҳими, улар хотираси олдида қарздор эканлигимизни асло эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Шербек ЁДГОРОВ,
шарқшунос

[1] Мўминов И. “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли”, “Фан” нашриёти, Т., 1993, 15 бет.
[2] “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 1-жилди, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Т., 2000, 274 бет.
[3] Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 6-жилди, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Т., 2003, 188 бет.
[4] Файзиев Т. “Темурийлар шажараси”, “Ёзувчи” нашриёти, Т., 1995, 84 бет.
[5] Файзиев Т. “Темурийлар шажараси”, “Ёзувчи” нашриёти, Т., 1995, 61 бет.

Яқинда бир танишим чет элда ўқийдиган укасига у ердаги харажатлари учун тўрт минг АҚШ долларини жўнатмоқчи бўлиб, тижорат банкларидан бирига кирганини, банк ходимлари эса уч юз долларни яроқсиз, дея танишимга қайтаришганини, уч минг етти юз долларни қабул қилиб, ўн беш дақиқада хорижга етказишганини айтиб қолди. “Мана ўша “яроқсиз” пуллар”, — дея менга кўрсатди. Қўлимга олиб у ёқ-бу ёғига қарадим. Хорижий валюта бинойидек эди: ғижимланмаган, букланмаган, устига ручка ё қаламда бирор белги қўйилмаган. Фақат қўлдан-қўлга ўтавериб бироз уринган. Эҳтимол, унинг қайтариб берилгани шундандир.

Қадриятимиз қадрлайлик



Шу сабаб бўлди-ю, ушбу мулоҳазаларни билдиришга сабабчи бўлган, айрим беэътибор одамлар томонидан ажи-бужи ёзувлар битилган бир қанча миллий сўм купюраларига боқиб, уларнинг қайси бирини “бечора” дейишни ҳам билмай қолдим. Миллий валютамиз ҳисобланган **СЎМ**ними ё унга маданиятсизларча муносабатда бўлаётган айрим одамларними?

Бу каби саволларга сабаб бўлувчи ҳолатлар, афсуски, оз эмас. Бундай ишларни фақат ноқобил, фикри саёз одамларгина қилиши мумкин. Айримлар бу ишда “бозорчилар”ларни айблашади. Эмишки, улар кўпинча бозор, кафе, хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдодан тушган пулларни бир боғлам қилиб бойлагач, “адашмаслик мақсадида” ручка ё фломастер билан пул миқдорини ё кимгадир берилишини унинг юзига ёзиб қўя қолишади. Баъзан ҳар биримиз, ҳатто бирор танишининг телефон рақамини ёки рўзғорига харид қиладиган нарсаларини-да пул юзига ёзишганининг гувоҳи бўламиз. Тўғрироғи, пуллар бизнинг қўлимизга етиб келгач, фикримизда ушбу мақолани ёзиш истаги пайдо бўлди.

Бундайларга қарата: «Фикрлашга ҳаракат қилинг, одамлар, эндиликда мамлакатимиз дунёдаги кўплаб давлатлар билан тенг сиёсий, иқтисодий, қўйингки, барча соҳаларда мустаҳкам алоқаларни йўлга қўймоқда. Унга нисбатан ҳурматлироқ, эътиборлироқ бўлинг, ахир қўлингиздаги ушбу пул бирлиги бизнинг миллий қадриятимиз, бойлигимиз рамзи-ку», дегинг келади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш зарур, йиллар ўтиб, бизнинг СЎМимиз ҳам халқаро муомаладаги валюталар қаторида қувватга эга бўларди, албатта. Тарихдан бунга мисоллар кўп. Қолаверса, амалдаги хорижий валюталарнинг халқаро мақомга эришганига ҳам жуда кўп вақт бўлгани йўқ. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, қайси мамлакат хорижий ва маҳаллий инвестициялар оқимига кенг йўл очиб, уни олиб келувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа, экспортга маҳсулот чиқарувчи маҳаллий тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берса, ўша давлатнинг иқтисодий келажаги порлоқ, халқининг турмуши янада фаровон бўлади. Бундай шароитлар, имкониятлар мамлакатимизда ҳам мавжуд. Шундай экан, пулимизни бўяб-бежаш ўрнига уни авайлаб-асраб, маданиятли, замон кишиси эканимизни амалда кўрсатайлик.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
“Нигтіуат” мухбири

Билмаганни билган яхши

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБЛАРИ

Боланинг насл-насабини белгилаш қайси асосларда амалга оширилади?

М. УЗОҚОВ,
Фориш тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасига асосан боланинг онасидан туғилгани (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан тиббий муассасанинг маълумотига (бола тиббий муассасада туғилмаган бўлса, бошқа далилларга) асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳининг бекор қилингани ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилгани туфайли никоҳ бекор қилинганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола, агар бола никоҳ бекор қилинганидан кейинги уч юз кундан кейин туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳдан туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Оталик қандай ҳолларда суд тартибида белгиланади?

И.МУРОДОВА,
Жиззах туманидан

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 62-моддасига асосан ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилганда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, ўша шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшагани ва умумий рўзғор юритгани ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этганда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилгани рўйхатга олинган жойдаги ФҲДЁ органига юборади.

Г.ШАҲАРОВА,
Фориш тумани ФҲДЁ мудираси

Инсонлар борки...

Умри мазмунли, турмуши фойизли

Уни билган, хаста танаси шифо топиб яна жўшқин ҳаётга, оиласи даврасига қайтган одамлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Самуғ Маннооновни “Инсон танасининг муҳандиси” деб улуғлашади.

1933 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган Самуғ Маннонов ўсмирликнинг беғубор болалик дамларини уюрма шамолга бой берди. Ҳали қайсидир шўри қуриган хонадонига “қорахат” келар, ҳали кимнингдир отаси ё акаси бир оёғидан, қўлидан ажралган ҳолда мажруҳ қайтаётганини кўрган ёш Самуғ ўз қалбига шифокор бўлиш, одамлар дардига малҳам топиш орзусини мустаҳкам жойлаб тинмай ўқиб ўрганди. 1952 йили шаҳардаги 22-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирганидан сўнг ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясига йўл олди.

Инсон қаддини ростлаб адл юриши, шахдам қадам ташлаши унинг тўрт мучаси бутунлиги, саломатлигини билдиради. Букчайиб юрдими, демак унинг таянч-ҳаракат аъзоларида қандайдир қусури, камчилиги бор. Самуғ ака бу ҳолатга талабалик давридаёқ алоҳида эътибор берар эди. Шу боис таҳсилнинг сўнгги босқичига етганда талабаларни турли тиббий соҳаларга тақсимлашаётганда у ортопедия соҳасини танлаб хато қилмаганлигини кейинчалик мазмунли умри, олқишларга тўла ҳаёти давомида исботлади.

Бўлажак жарроҳ соҳага оид билим ва изланишларни қунт билан амалга оширди. “Умуртқа қийшиқлиги” касаллигини консерватив ва оператив даволаш усули бўйича катта илмий тадқиқот ишларини бажарди. Устози-профессор Н.Шаматов раҳбарлигида ушбу касалликнинг республика миқёсида тарқалиш даражасини аниқлашда фаол иштирок этиб, 1966 йилдан 1973 йилгача мамлакат бўйлаб мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда тарбияланаётган ўқувчиларнинг умуртқа тизимидаги ўзгаришларни ўрганиб чиқди.

2003 йилда олий тоифали шифокор мақомига эга бўлди. Самуғ Маннонов ўз навбатида юртимизда биринчи марта сколиоз касаллигини мукаммал ўрганган олим ҳисобланади. Айни пайтда нафақада бўлсалар-да ушбу касаллик муаммолари билан шуғулланиб, сколиоз касаллигини даволайдиган 9 та махсус мактаб интернат мутахассисларига ўз маслаҳатлари ва тавсияларини бериб туради.

У 1998-2003 йиллар давомида умуртқа погонаси хасталиги бўйича 1106 та йигирма хил мураккабликдаги жарроҳлик операцияларини муваффақиятли бажарган ва аҳволи оғир саналган беморларга қайта ҳаёт бағишлаган қўли эм жарроҳдир. Ўз фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий рисолалар ёзган.

Кўплаб ёш олимлар ва ортопед мутахассислардан ўз кўмагини аямайдиган устоз уларнинг ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Самуғ бобонинг шу даражага етиб, ҳурмат-эътибор қозонишида доимо ёнида бўлиб, кўнглини кўтариб, эзгу ишларга рағбатлантириб турган умр йўлдоши Ҳуринисо аянинг ҳам хизматлари катта. Ушбу меҳрибон жуфт фарзандларини замонанинг муносиб кишилари этиб тарбиялашди. Ўғли Шавкатжон тиш шифокори, Баҳодиржон тадбиркор ва қизлари Манзумахон биолог бўлиб етишди.

Маннооновлар ҳовлиси кичкина бўлса-да серфайз. Олма, беҳи ва мевали дарахтлар баравж ўсиб, ўзгача тароват бахш этади. Бобо уйда ҳам ишсиз ўтиргиси келмайди. Оила эҳтиёжи учун 4-5 та ҳисори қўйни парвариш қилади. “Невараларим ҳам ўзимдек табиатга меҳрли бўлиб ўсишсин” дейди бобо ўз машғулотидан ҳузурланиб.

Самуғ бобонинг иш столидаги бир даста хатлар беихтиёр эътиборимни тортди. Олиб кўздан кечираман: “Мен Самарқанд вилояти Иштихон туманидан Оқилов Мавлонман. Бир неча йилдирки, оёқ-бўғим касаллигидан азият чекардим. Кўринмаган шифокорим, бормаган табибим қолмади ҳисоб. Охири бир киши ушбу касалликни даволовчи ягона мутахассис бор, деб қолди. Ишониб-ишонмай Самуғ Маннооновни излаб топдим. У киши ўзига хос усуллар билан даволаб, соғлигимнинг тикланишига сабабчи бўлди. Мен бу инсондан мингдан-минг розиман, дунё тургунча турсинлар. Болалари ва набираларининг роҳатини кўрсинлар". Айнан ана шу мазмундаги мактублар хоразмлик Фахриддин Бадалов, қўқонлик Шахобиддин Мингбоев, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидан Али Худоёров, Навоий вилояти Навбаҳор туманидан Наргиза Зиёева ва бошқа юзлаб кишилардан келган. Билишимча, Самуғ бобо бу миннатдорлик мактубларини нафақат ўқир, балки бўш пайт топиб, жавоб хатлари ҳам йўллар экан. Бетакрор истеъдод соҳиби шифокор, фидойи замондошимиз Самуғ бобо Маннооновнинг файзли хонадонидан чиқар эканман, дунёда шундай инсонлар бор эканки, ҳаётимиз гўзал ва мазмунли деган фикр кечди хаёлимдан.

Исоқул УМУРЗОҚОВ
фахрий журналист

Премьерадан сўнг

"ВАФОДОР"

Тарновдан оқаётган ёмғир сувининг "чак-чак"ини эшитганмисиз? Гўё умр ўтаётганига ишора... Режиссёр Сайфиддин Мелиевнинг "Вафодор" номли спектакли ана шу фикратли сас билан бошланади. Бу худди спектакль муқаддимасидаги оҳангли метафорадек янграйди. Спектакль бошланиши олдидан шу оҳанг бир муддат томошабин ҳушини ўғирлайди ва унинг фикр-хаёлини асар моҳияти сари етаклайди.



Унинг саҳна юзини кўришига драматург Шароф Бошбековнинг "Вафодор" киноқиссаси сабаб бўлди. Муаллиф ушбу асарни севимли адибимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг "Қоракўз-Мажнун" ҳикояси асосида тайёрлаганди.

Спектакль бир оила мисолида инсон вафоси ҳақида ҳикоя қилади. Тўнғич ўғил Бўривой (Файбулла Жуманов) ўттиз беш йил аввал армияга кетиб, шу бўйи Россиянинг Тула шаҳрида қолиб кетган. Ўғлининг хизмати тугашини сабрсизлик билан кутаётган ота-онаси кўзига кўринмай, ҳеч кимга хабар ҳам бермай дарбадар юрган фарзандининг кимлар учун ачинарли, кимлар учундир аламли ҳаёти қаламга олинган. Ота бутун умри давомида фарзандини кутиб оламдан ўтиб кетган, онаизор эса ҳамон унга интизор. Азобли, соғинчли кунларда Коракўз лақабли итига ҳасратларини тўкиб, у билан дардкаш бўлиб қолганди.

Спектакль Бўривойнинг шунча йилдан кейин куёви шарофати ила ўз уйига қайтишига кўрилаётган тайёргарлик билан бошланади. Она юзларида қувонч барқ уриб турибди. Ити ҳам ёнида, у билан ҳасратлашмоқда. Кейин Бўривой келади. У ўша Бўривой бўлса-да, аммо руҳияти ўттиз беш йил давомида ўзга юрт ҳавоси билан нафас олган бегона бир зот. Буни унга пешвоз чиққан жигаргўшалари билан кўришув онларидаги совуқ муносабати ҳам яққол ифодалайди.

Бўривойни режиссёр замонга мослаштиргани кийимлари ва юриш туришида кўринади. У замонавий қалпоқ, оппоқ либосда, кема капитанидек кириб келади. Ҳикояни ўқисангиз кўз олдингизда беватанликдан силласи қўриган, ичавериб ранги ҳам ўзгариб кетган, ҳатто ҳиди ҳам бизга бегона бўлган (лекин ўзи буни билмаган) бир "мужик" қиёфаси гавдаланади. Хўш, театр ижодкорлари яратган қиёфа ўзини оқлаганми? Бўривой аслида ким эди-ю, уни қандай акс эттириш тўла қонли ишончли бўларди? Ватанни, ота-онани, оилани, севган қизини ташлаб кетган инсон қайси қиёфага лойиқ ўзи?! Унга фақирлик қиёфаси мантиқан яқинроқдек, наздимизда. Ҳикояда она уни кўриб "Аҳ, болам-а!" дея ўкинади. Спектаклда эса она пўрим ўғлини кўриб гапиришга ҳам чўчийдиган даражада. Кеккайган ва жиддий Бўривойнинг шунчалар ўзгариб кетгани, албатта, ҳаммадан ҳам онаизор Саодат ая(Дилбар Исмоилова)ни ташвишга солади. У аввал ўғлининг тилини, маҳаллаю кўча-кўйни, урф-одатларни унутганига чидайди. Оғир бўлса-да, кексаликка хос вазминлик билан кечиради. Лекин иймонини, ота-бобоси сиғиниб келган динини ўзгартириб, бўйнига шарақлатиб хоч осиб юрганини ҳазм қила олмайди. Тўлғонади ва ичдан куяди. Азоблар исканжасида унга ҳайқирса-да, ўзинида айбдор санаб қийналади. Оқибат, она ўғлининг юртига, туғилиб ўсган уйига, жигарларига нисбатан хиёнати, вафосизлигидан куйиб, бу дунёдан кўз юмади.

Спектаклда она образи чуқур драматик ва шу билан бирга юмористик характерга эга кўринишда гавдаланади. Бироқ актриса ижросида ҳам, спектаклда ҳам кўпроқ драматик ёндашув устунлик қилади. Аслида Саид Аҳмаднинг драматик асарлари ҳам юмор билан йўғрилган. Ёзувчи ана шу юмор орқали сўзининг юқори таъсирчанлигига эришган. Назаримизда, спектаклнинг ҳам таъсир кучини ошириш учун юмористик нафас етишмаётгандек.

Актриса ижросига қайтадиган бўлсак, Дилбар Исмоилова учун бу роль унинг ижодида катта воқеадир. Сабаби, ижро актрисанинг ижодий репертуаридаги энг характерли образлардан бирига айланиши шубҳасиз. Режиссёр С.Мелиевнинг "Мазкур ролда кўпроқ, актриса Дилбар Исмоилова талқинини кўрдим", деган мулоҳазаси ҳам юқоридаги фикрга исбот бўлади. Саодат ая персонажи учун алоҳида лейтмотив оҳанг қўлланилган бўлиб, бу оҳанг она образининг ички кечинмаларини, ўғлининг дийдорига ташналигини ифодалайди. Она маҳзун оҳанг сезимларида саҳна олдига келиб, нигоҳини узоқларга қадайди. Яъни, у ўғлининг келаётганини оналик кўнгли билан сезади. Ҳақли қилиб айтганда, Дилбар Исмоилова ижросидаги она образи спектаклнинг яхлитлигини таъминловчи асосий устундир.

Кейинги саҳналарда Бўривойни гавдалантирган актёрни биринчи саҳнага қарама-қарши тарздаги ҳолатини кўришимиз мумкин. Қаҳрамоннинг ички туғёнлари, йиллар давомида йиғилган афсуслари онаси ўлимидан кейин намоён бўлади. Бу персонаж спектакль бошида томошабинда мужмал тасаввур уйғотади-ю, сўнг қалб қатламларидаги фарёди унсиз йиғи, ўнғайсиз ҳолат орқали англанади. Бўривойни ҳовлидаги радиопрёмникдан таралаётган Марям Ёқубова ижросидаги эртак беихтиёр болалигигини ёдига солиб юборади. У радиопрёмник олдига болаларча қизиқиш, ҳайрат билан ўтириб олиб, эртакни ҳам худди болаларча тинглайди. У бир лаҳзада болага айланиб қолгандай эди гўё... Мазкур саҳнада Бўривой кўз ўнгида неча йиллардан бери унут бўлган хотиралари жонлангандай бўлади. Актёр Ғ.Жумановнинг соғинч, қувонч, ўкинч, афсус, йиғини омухталикда акс эттириши образ ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини оширган.

Асардаги ит персонажи асар ғоясини таъсирли ифода этилишида жуда катта маъно ташийди. Саодат ая бу Қоракўз лақабли итга(актёр Саидаҳмад Абдулҳамидов) ўзгача меҳр қўйганди. Ўғли йўғида у билан овуниб, унга ақлли, қалби бор жонзот сифатида қарарди. Энг қизиғи, итни актёр томонидан талқин этилиши бўлиб, бундай ёндашувни спектаклнинг ўзига хос режиссёрлик топилмаси деб баҳолаш мумкин. Спектаклнинг баъзи бир ўринларида актёр ёғочдан ясалган қутисимон жисм билан ҳаракат қилади. Бу унинг уйи рамзи сифатида қўлланилган бўлиб, инсон туғилиб ўсган уйига вафо қилиши кераклиги оддийгина, мазмунли шакл орқали ифодаланган. Шу билан бирга С.Абдулҳамидов Қоракўз лақабли итнинг тутган шарт-шароитларини ишонарли тасвирлабгина қолмай, балки керак ўринда Бўривойнинг болалигини ҳам хотирлаш лаҳзаларида ижро этган. Қоракўз учун топилган мусиқий безак ҳам ширин болалик хотиралари-ю, айрилиқни англатувчи мунгли поезд овози қоришиғида берилади. Яъни Бўривой персонажи Қоракўз билан боғлиқликда ва қарама-қарши кўринишда маъно касб этади.

Спектаклнинг яна бир қаҳрамони, Бўривойнинг синглиси Қумри (Нафиса Тошматова) персонажи ҳам ҳам ўзига хос характерга эга. Онасининг унга қарата "Бола кўрмагансан-да, мени дардимни тушунмайсан", деган гапига жавобан Қумрининг саҳнадаги хатти-ҳаракати маъноли сукутга эга бўлиб, муносабатнинг онани кўнглини юпатиш учун тезда майин тусга кириши актриса Н.Тошматова ижросида самимий ифодаланган. Бу образ ота уйининг чироғини ёқиб ўтирувчи фарзанд сифатидаги аҳамияти катта. У яхши кунлар келишига ишонади, зеро, унда бу ишончни туғдирган вафодор Қоракўз эди... Шунингдек, актриса Изроҳат Муродова ижросида замонавий, шартаки характердаги сингил персонажини кўрсак, актриса Раъно Эгамбердиева талқинида эса аксинча, акасига ичиккан, кўнгли нозик сингил гавдаланган.

Спектаклда Бўривойни ўттиз беш йил кутиб, ёшлигини йилларга совурган, неча йилдан буён у ташлаб кетган тароқ билан чигал ўйларини тараб келаётган қари қиз Рисолат (Гўзал Файзиева) образи ҳам катта аҳамиятга эга. Рисолат образи режиссёр топилмалари орқали янада жонланган. Масалан, у саҳна олдига келиб, "Б" ва "Р" ҳарфлари туширилган рўмолчани аста иккига бўлади. Бу жараёнда қаҳрамон ўй-фикрлари, ўтмиши хаёлидан худди кино тасмасидек бирин-кетин ўтади. Актриса бу қаҳрамонни ортиқча ҳиссиётларга бўямайди, аксинча, уни мағрур, кўз ёшини ҳадеганда кўрсатавермайдиган қилиб тасвирлайди.

Спектаклнинг тасвирий ечими масалалари рассом Шуҳрат Абдумаликов томонидан ҳал этилган. Саҳна марказида олма дарахти, қип-қизил олма шохлари уйилиб ётибди. Ва икки четда нарвонлар қия ётқизиб қўйилган. Рассом биринчи планда Бўривойнинг ота уйини ифодалаган бўлса, иккинчи планда эса нарвонлар орқали ўзга юртга элтувчи поезд йўлини тасвирлаган. Яъни бундан шуни англаш мумкинки, ўз юртига хиёнат қилган кимсанинг қалб дарахти ҳеч қачон кўкармайди. Актёрларнинг либосларига чизилган дарахт шохларининг тасвири ҳам саҳна безагининг бадиий яхлитлигини тўлдиради. Спектаклнинг барча қаҳрамонлари ана шу дарахтнинг бир бўлагидир. Биргина Бўривойнинг устибошида дарахт шоҳларининг тасвири йўқ эди... Чунки у ўз уйидан бегоналашиб кетганди. Агарда инсонлар ўртасида вафо, садоқат, меҳр-муҳаббат, бирдамлик бўлса, оила рамзини англатувчи бу дарахт доимо муҳаббатга тўла алвон мевалар беради. Асар сўнгида Бўривойнинг ердан олмани олиб меҳр билан искаши уни бу уйга боғлаб турган меҳр ҳали тўлиқ сўнмаганига ишора, назаримизда.

Жавлонбек ЖОВЛИЕВ,
Лобар ҚОБИЛОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари

Янги нашр

УЛУҒЛАР СИЙРАТИ

Алишер Навоий ҳазратлари бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозонган улуғ шахс Фаридиддин Атторга таъриф берар экан, у ўт ичида туғилиб, илоҳий ишқни ёниб куйлаш шавқидан олов чиқарар, атрофга аланга таратадаган ва ўзи ҳам шу чўғга қўшилиб ёниб кетадиган афсонавий қақнус қушига монанд умргузаронлик қилганини таъкидлаган.

Яқинда "Movarounnahr" нашриётидан андижонлик қалам соҳиби Абдумутал Абдуллаевнинг "Қақнус" номли китоби нашрдан чиқди. Унда ёзувчи ул ҳазратнинг қақнус мисол ҳаётини ёшлик йилларидан умрининг охиригача кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бунда муаллиф, энг аввало, қаҳрамони асарларига, сўнгра Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа улуғларнинг таърифтавсифларига таяниб иш кўрган.

Муаллиф тасаввурига оид манбаларни мутолаа қилиш орқали ўзида пайдо бўлган таассуротларга ҳозирги ҳаёт муаммолари билан боғлаб, бир тарафдан бу асарлардаги ғояларнинг ҳаётийлиги ва боқийлигини кўрсатса, иккинчи тарафдан шу ғояларни кенгайтириб, "замонавий" моҳиятини очишга муаффақ бўлади. Бу ҳам ўзига хос усулдир. Жумладан, у Фаридиддин Атторнинг "Тазкират-ул-авлиё" асаридаги "нақл" ва ҳикоятларни ажратиб олиб, Робия Адавия, Ҳасан Басрий, Молики Динор, Саҳл Тустарий, Жунайд Бағдодий каби шайхлар ҳақида бадиий жиҳатдан пухта ишланган, ўқувчи диққатини ўзига тортадиган образлар силсиласини ичига олувчи ҳикоятлар китобини яратган.

Аждодларимиз меросини бугунги кишилар онгу шуурига етказишда бу китобнинг аҳамияти жуда катта, албатта.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА,
ЎзМУ талабаси

Молия муассасаларида

Reklama

TURON BANK

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижозлар билан ишлаш жараёнларини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Буни молия муассасаларидан бири "Туронбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Айни кунда банкнинг филиаллари ҳам юртимизнинг чекка туманларидаги мижозларга ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш банк фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, банк жорий "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишларни бажариш борасида салмоқли фаолият олиб борди. Ҳақиқатдан турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ишини яхшилаш мақсадида "Обод турмуш йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш мақсадида банк томонидан 11 ой мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами **260,1 миллиард** сўм миқдорида кредит ажратилган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш банкнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда аниқ режалар белгилаб олинган. Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш учун инвестицияларни киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда йилнинг ўтган давр мобайнида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Алишер Умаров:

— "Туронбанк" томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар шарофати билан жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда, десам муболаға бўлмайди. Банк мутахассис ва ходимлари жойларда, тадбиркорлар учун ўқув-семинар ва тренинглар уюштирмоқда. Бу албатта, молиявий имкониятимизнинг ошишига сабаб бўлаётир.

Банк томонидан коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар қилинди. Жумладан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга имтиёзли микрокредит йўналтирилган.

Абдусамад Эргашев,
Наманган вилояти:

— Жорий йилда коллежни тамомладим. Тадбиркорлик фаолиятимни ташкил этиш мақсадида банк томонидан ташкил этилган ўқув семинарида қатнашдим. Маҳалламизда, замонавий тикувчилик корхонасини ташкил этиш бизнес-режасини тузди. Мазкур лойиҳа банк томонидан маъқулланди. Кичик корхонамиз ишга тушса, тенгдошларимдан беш нафари иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, банк ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тренинглар ташкил этилмоқда. Банк кредитларидан фойдаланаётган аёлларнинг кўпчилиги банкнинг кичик кредитларидан фойдаланаётган, янги ташкил этилган аёл тадбиркорлар ҳисобланади.



The Banker Bank of the Year 2013 UZBEKISTAN

Гулчеҳра Умарова,
тадбиркор:

— Мен бир неча йилдан буён ушбу банк хизматларидан фойдаланиб келаман. Банк кредити эвазига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдим. Айни кунда корхонамизда 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Молия муассасаси билан маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш истагидаман.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда банк фаолияти қатор хориж молиявий ташкилотлари, жумладан, **The banker журнали** жорий йилнинг 28 ноябрь куни Лондонда бўлиб ўтган маросимда "Туронбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкини "2013 йил банки" деб эълон қилди. Шунингдек, банк фаолиятининг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилмоқда.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва улар ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш ишлари давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, "Туронбанк" мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажриба тўплашга эришди. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Банк матбуот хизмати

Само синоатлари

ОСМОНДАН ТУШАДИГАН ЖИСМЛАР ХАВФИ

Миллион йиллардан буён турли-туман самовий жисмлар Ерга «ташриф буюриб», аниқроғи, хавф солиб туради. Кечалари кўкка термулиб ётганимизда юлдузларнинг узун дум ҳосил қилганча учиб, йўқолиб кетишларига кўп марталаб гувоҳ бўлганмиз, ҳар биримиз гўдак шууримиз билан бунинг сир-синоатини англашга уринганмиз. Бундай пайтларда энам маъюсланиб «Кимнингдир паймонаси тўлди-да, болам», дея юзларига фотиҳа тортардилар. Кейинчалик коинот ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлгач, бу думли юлдузларнинг Ердан жуда узоқларда портлаб кетувчи осмон жисмлари — кометалар эканини англаб етдик.

Айнан шу кунларга қайтадиган бўлсак, шу йил февраль ойида Челябинск осмонида портлаган метеорит ҳам анчагина хавфли эди. Жамоатчиликни ҳайратга солган мазкур ўлчамдаги метеоритларнинг она заминимизга тез-тез ташриф буюришлари тасодифий эмас. Нега деганда, галактикада бундай осмон жисмлари сонсаноқсиздир. Қолаверса, уларнинг таъсири ҳам хавф-хатардан холи эмас. Ўшанда Уралдаги қатор минтақалар аҳолиси осмонда думли улкан оловли шарни ва у охир-оқибатда Ерга келиб урилганининг гувоҳи бўлишган. Челябинск метеоритининг майда бўлаклари таҳлил этилганда унинг ёши Қуёш тизими билан баравар эканлиги аниқланди. Чебаркўлга қулаган метеоритни тадқиқ этиш олимларга Қуёш тизимининг узоқ ўтмишига назар ташлаш ва унинг тарихини, эволюциясини ўрганиш учун қулай имкон яратди. Маълум бўлдики, мазкур фазовий жисмнинг оғирлиги 10 минг тоннага яқин, ўлчами эса 17 метрни ташкил этган. Шу ўринда унинг портлаш кучи Хиросимага ташланган атом бомбасидан 40 маротаба катталигини ҳам назарда тутиш лозим. Бинобарин, ўша чоқ зарба тўлқинидан кўплаб хонадонлар дераза ойналари чилпарчин бўлди, нурланиш ёруғлигидан 70 нафар одамнинг кўзи бир муддат ҳеч нарсани кўрмай қолди. Жами 1600 нафар одам бундан жабр кўрди.

Шу ўринда астероидларнинг сайёрамиз билан тўқнашуви қандай фалокатларга олиб келиши мумкинлигини ўрганаётган дунё тадқиқотчиларининг фикри ва тахминларига эътибор қаратайлик. Улар Чебаркўлга қулаган осмон жисми мабодо бирон- бир шаҳарга тушганида сўзсиз 78 минг нафар одамни ҳалок этиши мумкинлигини башорат қилишади. Хайриятки, бу гал осмондан келаётган «меҳмон» аҳоли пунктларидан анча узоқда жойлашган кўлга қуларди. Буни, албатта, Яратганнинг инсонларга улуғ марҳамати ёки карами десак, тўғри бўларди. Шуниси ҳам борки, самовий жисмнинг Ерга ташрифи ҳатто астрономлар учун ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди. Нега деганда, у қуёш тарафдан келгани боис ҳеч ким пайқай олмади.

— Тўғриси, бизнинг омадимиз келди, дейди НАСА астрономи Питер Женнискенс. — Ваҳоланки, ушбу объект аҳоли зич яшайдиган бирон-бир манзилга қулаши ва инсонларга катта талофат етказиши ҳам мумкин эди. Соҳа мутахассислари ана шундай масалалар хусусида бош қотириб туришганида шу йил 16 сентябрь куни Ердан 6,7 миллион километр узоқликдан 2013TV135 деб номланган яна бир астероид учиб ўтди. У украиналик астрономлар томонидан ўрганилиб, Қрим обсерваториясида тасвирга олинди. Осмон жисмининг диаметри 410 метр. Хавфли томони шундаки, астрономларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу жисм 2032 йилда Ердан атиги 4 минг километр масофада қайта ўтиши кутилмоқда. Айни пайтда бошқа мамлакатлар олимлари ҳам ушбу астероид хатти-ҳаракатлари анча бежолигини тасдиқлашмоқда. Гапнинг қисқаси, 2013TV135 рақамини олган мазкур митти сайёра 2032 йилда Ер билан тўқнашиб кетиши мумкин, дейишмоқда олимлар. Тўқнашув эҳтимоллиги Турин шкаласи бўйича 1-тоифани ташкил этади. Умуман олганда, бу жуда паст даража бўлса-да, барибир хатардан холи эмас. Худо кўрсатмасин-у, агар олимлар ҳақ бўлиб чиқса, астероид қулашидан ҳосил бўлган портлаш кучи тротила эквивалентида 2,5 минг мегатоннага тенг экан. Албатта, гап бу ерда фақат маълум бир астероид устида кетмаяпти. Россия Фанлар академияси Астрономия институти директори Борис Шустовнинг таъкидлашича, кейинги 100-200 йил мобайнида курраи замин билан тўқнашуви тахмин этилаётган само жисмларининг сони 200-300 мингтани ташкил этар экан. Мутахассислар эса буларнинг бор-йўғи 2 фоизини тадқиқ эта олади, холос. Ваҳоланки, ушбу объектларнинг барчасини мунтазам синчиклаб ўрганиб бориш учун махсус кенг бурчакли телескоплар зарур. Россияда ҳозирча бундай телескоплар мавжуд эмас, аниқроғи, Байкал ҳудудида қачонлардир АЗТ-33 телескопи қурилиши бошланган, аммо ҳали у ниҳоясига етказилмаган. Хўш, ушбу телескоп иш бошласа-ю, хавфли объектлар топилгач нима қилиш керак, деган савол инсоният олдида кўндаланг бўлиши табиий.

Бу ҳақда кечаю кундуз бош қотираётган мутахассислар она сайёрамизни «чақирилмаган меҳмонлар»дан жуда оғир юкларни кўтарадиган ракета-ташувчилар қутқариши мумкин, деган фикрга ёпишиб олганлар. Ҳатто Россия мамлакати сайёрамизни янги ракета ва супертелескоплар ёрдамида муҳофаза қилишни кўзда тутувчи махсус дастурни ишлаб чиқмоқда. Айни вақтда АҚШда ҳам оғир юкларни ташувчи ракеталарни барпо этиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Аниқроғи, океан ортилик мутахассислар 2017 йилда 70 тонна юкни кўтарувчи ракетани яратишмоқчи. Тез орада эса бу рақам 130 тоннага етказилади. Хуллас, 2030 йилга бориб АҚШда 150 тонна юкни кўтара оладиган қудратли ракеталар дунё аҳли олдида турган само муаммоларини ҳал этишга ёрдамга келиши мумкин.

Демак, бунда ўта оғир юкларни кўтарувчи мазкур ракеталар космик ускуналарни Ер орбитаси ташқарисига олиб чиқади. Бу эса хавф туғдираётган астероидни ўз вақтида сайёрамиздан анча узоқликда «тутиб олиш» имконини беради. Бундан ташқари, ўша ракета хатарли деб ҳисобланган йирик астероидларга термоядро зарядини етказиб боради, заряд Ер куррaси билан тўқнашуви кутилаётган ҳар қандай самовий жисмни коинотнинг ўзидаёқ парчалаб ёки йўналиш траекториясини бутунлай ўзгартириб юборишга қодир бўлади.

Дарвоқе, бошқалар сингари мазкур масалага япониялик олимлар ўзига хос тарзда ёндашмоқда. Хусусан, яқинда кунчиқар юрт олимлари «Хаябуса-2» космик қурилмасига ўрнатилиши кўзда тутилган астероидларни тўпга тутадиган замбаракни синовдан ўтказишди. Космик ускунага астероид тупроғидан намуна олишга ёрдам берувчи ушбу ноёб қурилма Япониянинг Гифу префектурасида синовдан ўтказилди. Мутахассислар замбарак энг юқори аниқликни ва кутилган тезликни намойиш этганини таъкидладилар.

«Хаябуса-2» сайёраларо станцияси коинотга жўнатилгандан кейин 162173 рақамли астероидга бир километр масофада яқинлашиб боради. Олимларнинг хомчўтига кўра, у осмон жисмини 100 метр масофадан нишонга олади. Снаряд отилишидан пайдо бўлган кратердан эса тупроқ намуналари олинади. Албатта, юқорида келтирилган фикр ва далилларни ҳали тадқиқот ва изланишларнинг дебочаси дейиш мумкин. Инсоният астероидларни ўз измига бўйсундирадиган ёки уларни сайёрамиз яқинига йўлатмайдиган замонлар ҳам келиб қолса, ажаб эмас.

А.АБДУЛЛАЕВ

ЭЙ ФАРЗАНД...

Эй фарзанд, ҳаддан ошмагил, ҳаддан ошишни шумлик деб билгил. Ҳар ишда ўртача бўлгил. Ҳар сўзни айтишда ва ҳар бир ишни қилишда чидамли бўл ва шошишдан қочгил. Сирингни ўзингдан бошқа кишига айтмагил, сирингни бировга айтсанг, сўнгра уни сир дема.

Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтмоқ яхши эмас. Гарчи бундай сўз яхши бўлса ҳам, ташқаридан ёмон кўринади. Бу сўздан одамлар гумон қиладилар, чунки кўпчилик одамлар бир-бирлари ҳақида бадгумондирлар.

Шундай сўз гапиргилки, сенинг сўзингнинг тўғрилигига гувоҳлик берсинлар. Агар ўзингни зўрлик билан айбдор қилишни истамасанг, бирор нарсага гувоҳ бўлмагил. Агар гувоҳ бўлсанг, гувоҳлик берган вақтингда ғаразгўйлик қилма. Агар гувоҳлик берсанг, ўз ихтиёринг билан бер.

Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Ўйламасдан сўзлама, ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, то айтган сўзингдан пушаймон бўлмағайсан.

Илгари ўйлаш — бир навъ кароматдир. Ҳар қандай сўзни эшитишдан сиқилма. У сўз ишингга хоҳ ярасин, хоҳ ярамасин, уни эшит, токи сенинг учун сўз эшиги ёпилиб қолмасин ва сўзнинг фойдаси тамом бўлмасин.

"Қобуснома"дан

Reklama

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карточкаларни таклиф этади. Ушбу пластик карточкалар ёрдамида «SMS- TO'LOV» ва «UZCARD-CLICK» дастурий тизимлари орқали:

✦ барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
✦ банк томонидан Сиз учун очилган ҳисоб рақамни бошқариш;
✦ жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

✦ тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон маркасидан қатъий назар) амалга ошириш мумкин;
✦ мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;
✦ ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
✦ мижознинг телефонида маблағ етарли бўлмаган ҳолатларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловларни амалга ошириши мумкин;
✦ мижоз банкка ташриф буюрмасдан балансни кўриши, пул маблағлари билан тўлдириши, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
✦ UZCARD EMV (он-лайн) пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш бепул ва ҳеч қандай комиссия олинмайди.

«Асака» банк - молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Маълумот учун телефонлар: (8371) 120-82-76, 120-81-90, 120-81-91.

Хизматлар лицензияланган

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Қурилиш қоидаларига риоя этайлик

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо-саноат тармоқлари жадал суратларда ривожланаяпти. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда. Айниқса, қурилиш соҳасидаги одимларимиз дунё жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлаётир.

Мустақиллик йилларида минглаб ўрта-махсус ўқув юртлари, тиббий муассасалар, саноат корхоналари қайта таъмирланиб ишга туширилди. Айни пайтда фуқаролар томонидан тикланаётган кўркам турар жой бинолари ҳам шаҳар ҳуснига ярашиб турибди. Аммо улар томонидан барпо этилаётган биноларнинг ҳаммасини ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла жавоб беради, дея олмаймиз. Бундай ҳолатларни кўпроқ уй-жой мулкдорларига қарашли кўп қаватли уйларга ёндош, уйларнинг теварак атрофлари ва йўлакларида қурилаётган иншоотларда учратиш мумкин.

Айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан кўп қаватли уйлар атрофларини томорқа хўжаликларига айлантириб олиш, омборхона қуриш, енгил темир панжаралар ўрнатиш бунёдкорлик қоидаларига мутлақо зиддир. Бу кўп қаватли уйларда фавқулодда ҳодисалар юз берганда ёки ёнғин содир бўлганда қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Тилга олинган бундай нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, мухандислик хизматлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда турли хил учрашувлар ташкил этилмоқда. Аҳоли яшаш жойларида амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Гап халқ мулкини ёнғиндан муҳофаза қилиш ҳақида борар экан, бу ишлар нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг, балки ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Бегзод ПИРМАТОВ,
Бектемир тумани ЁПХ инспектори, кичик сержант

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел: 233-36-02.
Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61,
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи: Фозил Жабборов

Адади: 4272 Буюртма — J-8748 1 2 3 4 5